

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 24-25-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (316-317)  
**ТЎПЛАМИ** 2008 й.  
июнь

---

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

218. «Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг устави тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2008 йил 5 июндаги 801–I-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 5 июндаги 484–I-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 июндаги 130-сон қарори
219. ««Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг устави тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2008 йил 5 июндаги 802–I-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 5 июндаги 485–I-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 июндаги 131-сон қарори

*Иккинчи бўлим*

220. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 июндаги ПФ-4006-сон Фармони
221. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-672-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 9 июндаги ПҚ-877-сон қарори
222. «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 июндаги ПҚ-892-сон қарори

*Учинчи бўлим*

223. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-847-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 июндаги 120-сон қарори
224. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 мартдаги ПҚ-843-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 июндаги 128-сон қарори
225. «Зооветеринария хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 июндаги 129-сон қарори
226. «Республика олимпия захиралари теннис мактабининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 июндаги 132-сон қарори
227. «Тошкент давлат техника университетида кадрлар тайёрлаш таркибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 июндаги 134-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

228. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари устав фондларига берилган давлат активларини сотишдан тушган маблағларни «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан жамланиши ва ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 28 майдаги 55, 01/11-18/06-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 1819-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
229. «Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2008 йил 21 майдаги 89-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 1820-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
230. «Ломбардлар томонидан қабул қилинган ва муддатида талаб қилиб олинмаган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни Давлат жамғармасига топшириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 57-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 70-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
231. «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишдан тушган тушумни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 4 июндаги 58, 2008-27, 13/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 724-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
232. «Тошуйғойжамғармабанк томонидан номи ёзилган уй-жой облигацияларига хизмат кўрсатишда воситачилик ҳақини ундириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 289-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
233. «Ўзозиковқаттаъминот» ДАК томонидан импорт бўйича харид қилинадиган ижтимоий муҳим айрим турдаги озик-овқат товарларига чекланган чакана нархларни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги 54, 12-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 984-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
234. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 134-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 1823-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

235. «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 2 июндаги 2008-10-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 1108-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
236. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 27 майдаги 01-02/8-37, 04-8/1442-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 526-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
237. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2008 йил 8 майдаги 63-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 июнда 1626-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 238. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 138-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1824-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*) +
239. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 139-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1825-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
240. «Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2008 йил 19 майдаги 10-8/1493, 04-01-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1826-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
241. «Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 11 июндаги 61-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1827-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
242. «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 6 майдаги 48-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1828-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

243. «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарига банклар томонидан ажратилган кредитларни қайтариш тўғрисида муваққат тартибни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2008 йил 11 июндаги 13/4, 62-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 702-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
244. «Табиий, техникавий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича қўлэмаларни депонентлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2008 йил 11 июндаги 26-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 355-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
245. «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги 01/12-18/05-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1410-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
246. «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2008 йил 30 майдаги 88-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 933-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
247. «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 15 мартдаги 8/8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1829-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 7 июндан 20 июнгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИНИНГ КЕНГАШИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИНИНГ КЕНГАШИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

### 218 «Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг устави тўғрисида

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган 214-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилдилар:**

1. «Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Тўхтаев) «Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонасини, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов) «Овози тожик» газетасини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Х.Н. Дўстмухамедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари Ф.Ф. Муҳитдинова ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Н. Ариповга муассислар билан «Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонаси ўртасида шартнома тузиш топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрда қабул қилинган «Овози тожик» газетаси таҳририятининг Устави тўғрисида»ги 586-П/565-сонли Қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
Спикери  
Д. ТОШМУҲАМЕДОВА

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 июнь,  
801-сон

Ўзбекистон  
Республикаси  
Олий Мажлиси  
Сенатининг Раиси  
И. СОБИРОВ

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 июнь,  
484-сон

Ўзбекистон  
Республикасининг  
Бош вазири  
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 июнь,  
130-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгашининг  
2008 йил 5 июндаги 801–I-сон, Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
Кенгашининг 2008 йил 5 июндаги  
484–I-сон, Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 13 июндаги 130-сон  
қарорлари билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ «Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг (бундан буён матнда Таҳририят деб юритилади) ҳуқуқий мақомини, фаолияти хусусиятларини, Муассисларнинг, Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Таҳририят ва Муассислар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни белгилайди.

2. Таҳририятнинг муассислари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Муассислар деб юритилади) ҳисобланади.

3. Таҳририят ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Таҳририят ўзига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилган давлат мулкӣ негизда ташкил этилган давлат унитар корхонасидир. Таҳририят ўзига берилган мулкдан қонунга, ўз фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларига, мулкдорнинг (ваколатли давлат органининг) топшириқларига мувофиқ фойдаланади ҳамда уни тасарруф этади.

5. Таҳририятнинг номи:

ўзбек тилида — «Овози тожик» газетаси таҳририяти» давлат корхонаси;

тожик тилида — Корхонаи давлатии «Идораи рўзномаи «Овози тожик»;

рус тилида — Государственное предприятие «Редакция газеты «Овози тожик».

6. Таҳририят юридик шахс бўлиб, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб-китоб варақларига, шу жумладан валюта ҳисоб-китоб варақларига, ўз рамзи ва логотипларига, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг тўлиқ расмӣ номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

7. Таҳририят қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз зиммасига мулкӣ ҳамда шахсий номулқӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олишга ҳамда уларни амалга оширишга, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақлидир.

8. Таҳририят давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

9. Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

10. Таҳририятнинг асосий фаолияти «Овози тожик» ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашрини чиқаришдан иборатдир.

11. «Овози тожик» газетаси ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашр бўлиб, тожик тилида, ҳафтада икки марта, А-2 бичимида, 4 (кейинчалик ундан ҳам кўп) саҳифада чоп этилади.

### 2-боб. Таҳририятнинг асосий вазифалари

12. Таҳририятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

«Овози тожик» газетасида материаллар чоп этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини ҳолис ёритиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари матнларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Муассислар ҳамда уларнинг органлари қарорлари ва фармойишларини, уларнинг мажлислари ва йиғилишларига доир материалларни чоп этиш;

мамлакат ва дунё ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида содир бўлаётган демократик ўзгаришларни, воқеаларни ҳолис ва ҳаққоний тарзда ёритувчи материаллар ҳамда ахборотларни мунтазам эълон қилиб бориш.

13. Асосий вазифаларига мувофиқ Таҳририят:

мақолалар ва ахборотларнинг юксак профессионал даражада тайёрланишини, уларнинг ҳолислиги ва тўғрилигини таъминлайди;

тарихий, умуминсоний, маънавий, маданий қадриятларга, миллий анъаналарга қизиқиш ўсиб бораётганлиги муносабати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва йўналишларини кенг ёритиб боради;

адабий-бадний иловалар, альбомлар чиқаради, юридик ва жисмоний шахсларнинг реклама ҳамда эълонларини белгиланган тартибда эълон қилади;

ижодий жамоада қулай иш шароитларини яратади, ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши учун зарур бўлган техника воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлайди;

меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлайди;

ходимларнинг ижодий муваффақиятларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб боради, уларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашади, турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

### 3-боб. Муассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Муассислар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Таҳририят фаолиятининг турлари, мақсади, предметини белгилаш;

Таҳририятнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмасини тасдиқлаш;

Таҳририят Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Таҳририят бош муҳаррири билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муддатидан олдин тугатиш;

Таҳририятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

Таҳририят мулки билан боғлиқ битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;



Таҳририятнинг ортиқча ёки фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ёки тасарруф этиш;

зарур ҳолларда Таҳририятни хусусийлаштириш ёки давлат мулкидан чиқариш;

Таҳририятга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Таҳририят раҳбарига нисбатан даъво такдим этиш;

босма маҳсулотнинг қонун ҳужжатлари талаблари ва давлат стандартларига мослигини назорат қилиш;

Таҳририятнинг қонуний манфаатларини давлат муассасалари ва чет давлатлар олдида ҳимоя қилиш, унинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Таҳририят томонидан бошқа шахсларга фойдаланишга берилган мол-мулкдан олинган фойданинг ҳаммасини ёки бир қисмини Уставга мувофиқ олиш;

қонун ҳужжатларида, ушбу Уставада, шунингдек Муассислар билан Таҳририят ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида Таҳририят фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;

Таҳририятдан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ҳолисона ёритишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Муассисларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, матбуотда эълон қилиш учун мўлжалланган материаллар белгиланган муддатларда чоп этилишини талаб қилиш.

15. Муассислар:

Таҳририят Уставини тасдиқлаши;

Таҳририят билан шартнома тузиши;

Таҳририят томонидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;

Таҳририят бош муҳарририни тайинлаши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномаси тузиши;

бош муҳаррир ўринбосарини, масъул котибни тайинлаши;

мол-мулкни тасарруф этиш учун Таҳририятга рухсат бериши;

зарур ҳолларда Таҳририятга моддий-техникавий, молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиши;

Таҳририятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан белгиланган тартибда текширишлар ва аудит ўтказилишини, назорат олиб борилишини таъминлаши;

Таҳририятга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг лозим даражада сақланишини назорат қилиши шарт.

16. Муассислар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **4-боб. Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

17. Таҳририят қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш;

эълон қилишга тайёрланган материалларни текшириш учун ваколатли ташкилотларга ва мутахассис-экспертларга мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

ахборот, реклама, дизайн, матбаа хизматлари кўрсатиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиш;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни тасарруф этиш;  
газетани чиқариш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;  
ўз фойдасининг бир қисмини Таҳририят фаолиятини ривожлантиришга ҳамда ходимларни моддий рағбатлантиришга белгиланган тартибда йўналтириш.

18. Таҳририят:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

газетадаги мақолаларнинг мазмунан юксак савияли ва маъноси тушунарли бўлишини, долзарблигини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Муассислар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, улар фаолиятини ёритувчи бошқа материалларни бепул эълон қилиши;

Муассисларга Таҳририятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши;

тасарруфидаги мол-мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг лозим даражада сақланишини таъминлаши шарт.

19. Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

20. Таҳририят ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Таҳририятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Муассислар Таҳририят мажбуриятлари бўйича белгиланган тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

21. Таҳририят Муассисларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

#### **5-боб. Таҳририятнинг мол-мулки**

22. Таҳририятнинг устав фонди 11.400 000 (ўн бир миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади.

23. Таҳририятнинг мол-мулки:

Таҳририятга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилган мол-мулк;

Таҳририятнинг ўз фаолиятидан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

24. Таҳририят мол-мулкининг қиймати Таҳририятнинг мустақил балансида акс этирилади.

25. Таҳририят мол-мулки бўлинмас бўлиб, у киритилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан Таҳририят ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди.

26. Таҳририят мол-мулкни тасарруф этиш қўйидаги ҳолларда Муассислар билан келишилган ҳолда Таҳририят бош муҳаррири томонидан амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;

хўжалик жамиятларининг акцияларини (улушларини) сотиб олиш;

хўжалик жамиятининг Таҳририятга тегишли бўлган акцияларини (улушларини) сотиш;

мол-мулкни Таҳририят фаолиятининг Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларига номувофиқ бошқа мақсадларда тасарруф этиш.

27. Таҳририятнинг устав фонди қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда камайтирилиши ёки олинган фойда ёхуд Муассислар томонидан унга берилган қўшимча мол-мулк ҳисобига қўпайтирилиши мумкин.

28. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга барча солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойда Таҳририят тасарруфига ўтади.

29. Таҳририят тасарруфида қоладиган соф фойда белгиланган тартибда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этишга йўналтирилиши мумкин.

#### **6-боб. Таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби**

30. Жорий масалаларни ва истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳал этиш учун таҳрир хайъати тузилади. Таҳрир хайъати Таҳририятнинг ижро этувчи органи бўлиб, унинг таркибига: бош муҳаррир, Муассислар вакиллари, бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб ва етакчи бўлимларнинг муҳаррирлари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари кирадилар. Таҳрир хайъатининг шахсий таркиби ва аъзолари сони бош муҳаррир тавсиясига биноан Муассислар қарори билан тасдиқланади.

31. Таҳририятга бош муҳаррир бошчилик қилади. Бош муҳаррир Муассислар қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош муҳаррир ўринбосари ҳамда масъул котиб бош муҳаррирнинг тавсиясига биноан Муассислар қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

32. Бош муҳаррир Муассислар олдида Таҳририят фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

33. Бош муҳаррир Муассислар билан келишган ҳолда Таҳририятнинг штат жадвалини тасдиқлайди.

34. Бош муҳаррир ўз ваколатлари доирасида:

ўз ўринбосарини ҳамда масъул котибни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича Муассисларга таклифлар киритади;

Таҳририят олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, таҳрир хайъати ва Таҳририят меҳнат жамоаси ишига бошчилик қилади, Таҳририят номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, буйруқлар чиқаради, ишончномалар беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

Таҳририят ходимларининг лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда устамалар белгилайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

35. Бош муҳаррир ўз ваколатларини ва мансаб вазифаларини бажаришда Таҳририят манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, ходимларнинг иш ҳақи ва иш ҳақиға тенглаштирилган бошқа тўловлар ўз вақтида тўланишини, меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган қонуний талабларнинг қаноатлантирилишини, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ эҳтиёжлар учун пул маблағлари ўтказилишини таъминлайди.

36. Бош муҳаррир ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

37. Бош муҳаррир вақтинча йўқлигида ўринбосари унинг вазифасини бажариб туради.

**7-боб. Таҳририят ходимлари**

38. Таҳририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳрир, таҳлил қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек техник ва хизмат кўрсатувчи персонал Таҳририят ходимларидир.

39. Таҳририят ходимлари таркибига кирувчи ижодий ходимларга: бош муҳаррир, унинг ўринбосари, масъул котиб, бўлимларнинг муҳаррирлари, шарҳловчилар, ўз мухбирлари ва катта мухбирлар, мухбирлар, фотомухбир ҳамда таржимонлар, реклама бўлими ходимлари киради.

40. Таҳририят жамоасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, жамоа шартномаси талаблари асосида, ички меҳнат тартиби қоидалари, мансаб йўриқномалари ҳамда Таҳририят қабул қилган бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинади. Таҳририят ходимларига ягона намунадаги гувоҳнома берилади.

41. Таҳририят ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шакли, тизими, миқдори, шунингдек қалам ҳақи миқдори Таҳририят томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**8-боб. «Овози тожик» газетасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби**

42. «Овози тожик» газетасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

**9-боб. Таҳририят фаолиятини назорат қилиш**

43. Таҳририят ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Таҳририят ҳужжатларнинг сақланишини ва уларнинг белгиланган тартибда давлат архивига сақлаш учун топширилишини таъминлайди.

44. Таҳририятнинг хўжалик юритувчи субъект сифатидаги фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассислар ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

**10-боб. Таҳририятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш**

45. Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ Муассислар қарорига кўра ёки суд қарори асосида қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилиши мумкин.

46. Таҳририят тугатилганда унинг пул маблағлари, мол-мулки ва бошқа активлари кредиторлар билан барча ҳисоб-китоблар қилинганидан сўнг белгиланган тартибда Муассислар тасарруфига ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИНИНГ КЕНГАШИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИНИНГ КЕНГАШИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 219 «Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхона- сининг устави тўғрисида

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган 214-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиладилар:**

1. «Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Тўхтаев) «Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхонасини, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов) «Нурлы жол» газетасини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Х.Н. Дўстмухамедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари Ф.Ф. Муҳитдинова ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Н. Ариповга муассислар билан «Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхонаси ўртасида шартнома тузиш топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрда қабул қилинган «Нурлы жол» газетаси таҳририятининг Устави тўғрисида»ги 587-П/566-сонли Қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
Спикери  
**Д. ТОШМУҲАМЕДОВА**

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 июнь,  
802-И-сон

Ўзбекистон  
Республикаси  
Олий Мажлиси  
Сенатининг Раиси  
**И. СОБИРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 июнь,  
485-И-сон

Ўзбекистон  
Республикасининг  
Бош вазири  
**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 июнь,  
131-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгашининг  
2008 йил 5 июндаги 802–I-сон, Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
Кенгашининг 2008 йил 5 июндаги  
485–I-сон, Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 13 июндаги 131-сон  
қарорлари билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ «Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхонасининг (бундан буён матнда Таҳририят деб юритилади) ҳуқуқий мақомини, фаолияти хусусиятларини, Муассисларнинг, Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Таҳририят ва Муассислар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни белгилайди.

2. Таҳририятнинг муассислари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Муассислар деб юритилади) ҳисобланади.

3. Таҳририят ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Таҳририят ўзига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилган давлат мулкӣ негизда ташкил этилган давлат унитар корхонасидир. Таҳририят ўзига берилган мулкдан қонунга, ўз фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларига, мулкдорнинг (ваколатли давлат органининг) топшириқларига мувофиқ фойдаланади ҳамда уни тасарруф этади.

5. Таҳририятнинг номи:

ўзбек тилида — «Нурлы жол» газетаси таҳририяти» давлат корхонаси;

қозоқ тилида — «Нурлы жол» газеті редакциясы» мемлекеттік кәсіпорны;

рус тилида — Государственное предприятие «Редакция газеты «Нурлы жол».

6. Таҳририят юридик шахс бўлиб, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб-китоб варақларига, шу жумладан валюта ҳисоб-китоб варақларига, ўз рамзи ва логотипларига, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг тўлиқ расмий номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

7. Таҳририят қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз зиммасига мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олишга ҳамда уларни амалга оширишга, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақлидир.

8. Таҳририят давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

9. Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

10. Таҳририятнинг асосий фаолияти «Нурлы жол» ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашрини чиқаришдан иборатдир.

11. «Нурлы жол» газетаси ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашр бўлиб, қозок тилида, ҳафтада икки марта, А-2 бичимида, 4 (кейинчалик ундан ҳам кўп) саҳифада чоп этилади.

### 2-боб. Таҳририятнинг асосий вазифалари

12. Таҳририятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

«Нурлы жол» газетасида материаллар чоп этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини ҳолис ёритиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари матнларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Муассислар ҳамда уларнинг органлари қарорлари ва фармойишларини, уларнинг мажлислари ва йиғилишларига доир материалларни чоп этиш;

мамлакат ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида содир бўлаётган демократик ўзгаришларни, воқеаларни ҳолис ва ҳаққоний тарзда ёритувчи материаллар ҳамда ахборотларни мунтазам эълон қилиб бориш.

13. Асосий вазифаларига мувофиқ Таҳририят:

мақолалар ва ахборотларнинг юксак профессионал даражада тайёрланишини, уларнинг ҳолислиги ва тўғрилигини таъминлайди;

тарихий, умуминсоний, маънавий, маданий қадриятларга, миллий анъаналарга қизиқиш ўсиб бораётганлиги муносабати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва йўналишларини кенг ёритиб боради;

адабий-бадний иловалар, альбомлар чиқаради, юридик ва жисмоний шахсларнинг реклама ҳамда эълонларини белгиланган тартибда эълон қилади;

ижодий жамоада қулай иш шароитларини яратади, ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши учун зарур бўлган техника воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлайди;

меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлайди;

ходимларнинг ижодий муваффақиятларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб боради, уларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашади, турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

### 3-боб. Муассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Муассислар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Таҳририят фаолиятининг турлари, мақсади, предметини белгилаш;

Таҳририятнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмасини тасдиқлаш;

Таҳририят Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Таҳририят бош муҳаррири билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муддатидан олдин тугатиш;

Таҳририятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

Таҳририят мулки билан боғлиқ битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Таҳририятнинг ортиқча ёки фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ёки тасарруф этиш;

зарур ҳолларда Таҳририятни хусусийлаштириш ёки давлат мулкидан чиқариш;  
Таҳририятга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Таҳририят раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

босма маҳсулотнинг қонун ҳужжатлари талаблари ва давлат стандартларига мослигини назорат қилиш;

Таҳририятнинг қонуний манфаатларини давлат муассасалари ва чет давлатлар олдида ҳимоя қилиш, унинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Таҳририят томонидан бошқа шахсларга фойдаланишга берилган мол-мулкдан олинган фойданинг ҳаммасини ёки бир қисмини Уставга мувофиқ олиш;

қонун ҳужжатларида, ушбу Уставада, шунингдек Муассислар билан Таҳририят ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида Таҳририят фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;

Таҳририятдан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини холисона ёритишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Муассисларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, матбуотда эълон қилиш учун мўлжалланган материаллар белгиланган муддатларда чоп этилишини талаб қилиш.

15. Муассислар:

Таҳририят уставини тасдиқлаши;

Таҳририят билан шартнома тузиши;

Таҳририят томонидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;

Таҳририят бош муҳарририни тайинлаши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномаси тузиши;

бош муҳаррир ўринбосарини, масъул котибни тайинлаши;

мол-мулкни тасарруф этиш учун Таҳририятга рухсат бериши;

зарур ҳолларда Таҳририятга моддий-техникавий, молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиши;

Таҳририятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан белгиланган тартибда текширишлар ва аудит ўтказилишини, назорат олиб борилишини таъминлаши;

Таҳририятга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг лозим даражада сақланишини назорат қилиши шарт.

16. Муассислар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **4-боб. Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

17. Таҳририят қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш;

эълон қилишга тайёрланган материалларни текшириш учун ваколатли ташкилотларга ва мутахассис-экспертларга мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

ахборот, реклама, дизайн, матбаа хизматлари кўрсатиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни тасарруф этиш;



газетани чиқариш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;  
ўз фойдасининг бир қисмини Таҳририят фаолиятини ривожлантиришга ҳамда ходимларни моддий рағбатлантиришга белгиланган тартибда йўналтириш.

18. Таҳририят:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

газетадаги мақолаларнинг мазмунан юксак савияли ва маъноси тушунарли бўлишини, долзарблигини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Муассислар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, улар фаолиятини ёритувчи бошқа материалларни бепул эълон қилиши;

Муассисларга Таҳририятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши;

тасарруфдаги мол-мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг лозим даражада сақланишини таъминлаши шарт.

19. Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

20. Таҳририят ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Таҳририятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Муассислар Таҳририят мажбуриятлари бўйича белгиланган тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

21. Таҳририят Муассисларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

#### 5-боб. Таҳририятнинг мол-мулки

22. Таҳририятнинг устав фонди 11.820 300 ( ўн бир миллион саккиз юз йигирма минг уч юз) сўмни ташкил этади.

23. Таҳририятнинг мол-мулки:

Таҳририятга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилган мол-мулк;

Таҳририятнинг ўз фаолиятдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

24. Таҳририят мол-мулкининг қиймати Таҳририятнинг мустақил балансида акс этирилади.

25. Таҳририят мол-мулки бўлинмас бўлиб, у киритилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан Таҳририят ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди.

26. Таҳририят мол-мулкни тасарруф этиш қўйидаги ҳолларда Муассислар билан келишилган ҳолда Таҳририят бош муҳаррири томонидан амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;

хўжалик жамиятларининг акцияларини (улушларини) сотиб олиш;

хўжалик жамиятининг Таҳририятга тегишли бўлган акцияларини (улушларини) сотиш;

мол-мулкни Таҳририят фаолиятининг Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларига номувофиқ бошқа мақсадларда тасарруф этиш.

27. Таҳририятнинг устав фонди қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда камайтирилиши ёки олинган фойда ёхуд Муассислар томонидан унга берилган қўшимча мол-мулк ҳисобига қўпайтирилиши мумкин.

28. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойда Таҳририят тасарруфига ўтади.

29. Таҳририят тасарруфида қоладиган соф фойда белгиланган тартибда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этишга йўналтирилиши мумкин.

#### **6-боб. Таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби**

30. Жорий масалаларни ва истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳал этиш учун таҳрир хайъати тузилади. Таҳрир хайъати Таҳририятнинг ижро этувчи органи бўлиб, унинг таркибига: бош муҳаррир, Муассислар вакиллари, бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб ва етакчи бўлимларнинг муҳаррирлари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари кирадилар. Таҳрир хайъатининг шахсий таркиби ва аъзолари сони бош муҳаррир тавсиясига биноан Муассислар қарори билан тасдиқланади.

31. Таҳририятга бош муҳаррир бошчилик қилади. Бош муҳаррир Муассислар қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош муҳаррир ўринбосари ҳамда масъул котиб бош муҳаррирнинг тавсиясига биноан Муассислар қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

32. Бош муҳаррир Муассислар олдида Таҳририят фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

33. Бош муҳаррир Муассислар билан келишган ҳолда Таҳририятнинг штат жадвалини тасдиқлайди.

34. Бош муҳаррир ўз ваколатлари доирасида:

ўз ўринбосарини ҳамда масъул котибни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича Муассисларга таклифлар киритади;

Таҳририят олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, таҳрир хайъати ва Таҳририят меҳнат жамоаси ишига бошчилик қилади, Таҳририят номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, буйруқлар чиқаради, ишончномалар беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

Таҳририят ходимларининг лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда устамалар белгилайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

35. Бош муҳаррир ўз ваколатларини ва мансаб вазифаларини бажаришда Таҳририят манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, ходимларнинг иш ҳақи ва иш ҳақиға тенглаштирилган бошқа тўловлар ўз вақтида тўланишини, меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган қонуний талабларнинг қаноатлантирилишини, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ эҳтиёжлар учун пул маблағлари ўтказилишини таъминлайди.

36. Бош муҳаррир ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

37. Бош муҳаррир вақтинча йўқлигида ўринбосари унинг вазифасини бажариб туради.

#### **7-боб. Таҳририят ходимлари**

38. Таҳририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳрир, таҳлил қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек техник ва хизмат кўрсатувчи персонал Таҳририят ходимларидир.

39. Таҳририят ходимлари таркибига кирувчи ижодий ходимларга: бош муҳаррир, унинг ўринбосари, масъул котиб, бўлимларнинг муҳаррирлари, шарҳловчилар, ўз мухбирлари ва катта мухбирлар, мухбирлар, фотомухбир, таржимонлар, реклама бўлими ходимлари киради.

40. Таҳририят жамоасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, жамоа шартномаси талаблари асосида, ички меҳнат тартиби қоидалари, мансаб йўриқномалари ҳамда Таҳририят қабул қилган бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинади. Таҳририят ходимларига ягона намунадаги гувоҳнома берилди.

41. Таҳририят ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шакли, тизими, миқдори, шунингдек қалам ҳақи миқдори Таҳририят томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### **8-боб. «Нурлы жол» газетасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби**

42. «Нурлы жол» газетасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

#### **9-боб. Таҳририят фаолиятини назорат қилиш**

43. Таҳририят ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Таҳририят ҳужжатларнинг сақланишини ва уларнинг белгиланган тартибда давлат архивига сақлаш учун топширилишини таъминлайди.

44. Таҳририятнинг хўжалик юритувчи субъект сифатидаги фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассислар ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

#### **10-боб. Таҳририятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш**

45. Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ Муассислар қарорига кўра ёки суд қарори асосида қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилиши мумкин.

46. Таҳририят тугатилганда унинг пул маблағлари, мол-мулки ва бошқа активлари кредиторлар билан барча ҳисоб-китоблар қилинганидан сўнг белгиланган тартибда Муассислар тасарруфига ўтказилади.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**220 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Тугатилаётган Тошкент давлат авиация институти негизида Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультети ташкил этилиши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат авиация институти ташкил этиш тўғрисида» 1995 йил 31 майдаги ПФ-1160-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 19 июнь,  
ПФ-4006-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**221 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-672-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-847-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий

инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-672-сонли қарори 2-иловасидаги 133-позиция чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 9 июнь,  
ПҚ-887-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**222** **Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш  
учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқ-  
лаш Давлат дастури тўғрисида**

«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда оналар ва болалар соғлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашни таъминлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болалар ногиронлигини қисқартириш мақсадида:

1. 2008 — 2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Давлат дастури сифатли ва ўз вақтида рўёбга чиқарилишини амалий равишда мувофиқлаштириб, назорат қилиб борилишини таъминласин.

2. Белгилансинки, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш, 2-иловага\* мувофиқ, соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағлари, шунингдек, «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Мазкур Давлат дастурини амалга ошириш доирасида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган реагентлар, сарфлаш материаллари, шифобахш болалар таомлари, дори-дармонлар ва бошқа товарлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо

\* 1-2-иловалар берилмайди.

вазирлиги Давлат дастурини амалга ошириш доирасида тузилган импорт контрактларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда Давлат дастурини амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар ва ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил қилсинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Ф.Ш. Акбарова зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 18 июнь,  
ПҚ-892-сон

—

+

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **223** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 10 июнь,  
120-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 10 июндаги 120-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарорининг 4-банди, шунингдек қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда):

а) 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси) «Бош илмий-тадқиқот, лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари 26» бўлими қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

«Устав фондидаги давлат улуши камида 51 фоиз миқдорида бўлган етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари:

1. «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти
2. «ЎзЛИТИ» ЁАЖ
3. «ЎзшахарсозликЛИТИ» ОАЖ
4. «Ўзпўлатқурилмалойиҳа» ЁАЖ
5. «Ўзоғирсаноатлойиҳа» ОАЖ
6. «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» МЧЖ
7. «К.М. Жумаев номидаги ЗПЛИТИ» ЁАЖ
8. «ГИИИГГК» давлат унитар корхонаси
9. «Ўзлитинефтгаз» ОАЖ
10. «Гидролойиҳа» ОАЖ
11. «Ўртаосиётармоқлойиҳа» ОАЖ
12. «Қишлоқэнерголойиҳа» ОАЖ
13. «Иссиқликэлектролойиҳа» ОАЖ
14. «Ўзкимёсаноатлойиҳа» ОАЖ
15. ГеотехЛИТИ
16. «Ўзрангметлойиҳа» ОАЖ
17. Олмалик кон-металлургия комбинатининг лойиҳа ишлари бошқармаси
18. «Ўзенгсанлойиҳа» МЧЖ
19. «Ўзкоммуналлойиҳақурилиш» МЧЖ
20. «Ўзгазлойиҳа» МЧЖ
21. «Тоштемирйўллойиҳа» ОАЖ
22. «Боштранслоийиҳа» ОАЖ
23. «Йўл-лойиҳа бюроси» МЧЖ
24. «Тошкентбошпланлити» давлат унитар корхонаси
25. «Тошуйжойлойиҳа» ОАЖ
26. «Алоқалойиҳа» давлат унитар корхонаси
27. «Ўзқишлоқлойиҳа» МЧЖ
28. «ЎзГИП» МЧЖ
29. «Ўзсувлойиҳа» ОАЖ
30. «Сувсаноатфуқароли» МЧЖ
31. «Ўзмеvasабзавотузум-саноатлойиҳа» МЧЖ
32. «Донлойиҳа» МЧЖ
33. «Тиблойиҳа» МЧЖ
34. Ҳарбий лойиҳа
35. «Чегаралойиҳа» ЁАЖ
36. «Тошгипрошахар» ОАЖ»;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 7-бандига (4-илова) қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи-ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

«етақчи лойиҳа-қидирув ташкилотларининг лойиҳа фаолиятини мувофиқлаштиради;

шахарсозлик соҳасида илмий тадқиқот ишларининг буюртмачиси вазифасини бажаради, уларнинг натижаларини қурилиш нормалари, қоидалари ва стандартларига киритади, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида янги концепцияларни яратди»;

ўн тўртинчи — йигирма еттинчи хатбоши тегишли равишда ўн олтинчи — йигирма тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.



3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шахарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарорига 6-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**224** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 мартдаги ПҚ–843-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 мартдаги ПҚ–843-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 12 июнь,  
128-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 12 июндаги 128-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 16-банд қўшилсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

«16. Баҳолаш фаолияти».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 36-модда):

а) 4-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«баҳоловчиларнинг малака имтиҳонлари ўтказилишини ташкил этиш»;

олтинчи хатбошидаги «ва жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомда:

1) 4 ва 5-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Баҳолаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

5. Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун баҳолаш фаолиятининг қўйидаги йўналишлари бўйича намунавий (оддий) лицензиялар берилади:

кўчар мулкни баҳолаш ҳуқуқи учун, қимматли қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлардан ташқари;

кўчмас мулкни баҳолаш ҳуқуқи учун, мулкрий комплекс сифатидаги корхоналардан ташқари;

бизнесни баҳолаш ҳуқуқи учун (мулкрий комплекс сифатидаги корхоналар, моддий ва номоддий активларнинг барча турлари)»;

2) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Қўйидагилар баҳолаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

— «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартлари талабларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

лицензия олишда ушбу Низомда назарда тутилган миқдорда тўлиқ шакллантирилган устав капиталининг мавжудлиги;

фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги;

фаолиятнинг фақат ушбу Низомда назарда тутилган турини амалга ошириш;

баҳоловчи томонидан баҳолаш фаолиятини фақат битта баҳоловчи ташкилотда амалга ошириш. Бунда баҳолаш фаолияти баҳоловчи томонидан бошқа баҳоловчи ташкилотда фақат у баҳолаш фаолиятини амалга оширган баҳоловчи ташкилот билан тузилган меҳнат шартномаси (контракти) ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тўхтатилгандан, бекор қилингандан ёки унинг муддати тугагандан кейин амалга оширилиши мумкин;

баҳоловчи ташкилот штатида ушбу Низомда назарда тутилган миқдорда баҳоловчиларнинг мавжудлиги;

баҳолашни ўтказишда олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

баҳолашни ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари лавозимига фақат баҳоловчини тайинлаш;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белиланган тартибда мустақилликни таъминлаш;

баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган шахс (шахслар) томонидан баҳолаш тўғрисида ҳаққоний ҳисобот тузиш;

баҳоловчи ташкилотда ўз баҳоловчилари ишлари сифатини назорат қилишнинг тасдиқланган ички қоидалари мавжудлиги;

лицензияловчи органни номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган-

+

лиги тўғрисида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 10 кун муддатда хабардор қилиш;

ярим йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига белгиланган шаклда баҳолаш фаолияти тўғрисида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси талабига кўра баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотларни тақдим этиш.

Қўйидагилар:

кўчар мулкни (қимматли қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлардан ташқари) баҳоловчи ташкилотлар — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1500 бараварига тенг миқдорда устав капиталига ва камида иккита баҳоловчи штатида эга бўлиши керак;

кўчмас мулкни (мулкний комплекс сифатидаги корхоналардан ташқари) баҳоловчи ташкилотлар — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 бараварига тенг миқдорда устав капиталига ва камида учта баҳоловчи штатида эга бўлиши керак;

бизнесни (мулкний комплекс сифатидаги корхоналар, моддий ва номоддий активларнинг барча турларини) баҳоловчи ташкилотлар — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2500 бараварига тенг миқдорда устав капиталига ва камида тўртта баҳоловчи штатида эга бўлиши керак.

Бунда устав капиталининг камида 30 фоизи пул маблағларидан иборат бўлиши керак.

Баҳоловчи ташкилотлар қўшимча баҳолаш фаолияти профессионал хизматларининг фақат қўйидаги турларини кўрсатиши мумкин:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш;

инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, бизнес-режалар тузиш;

баҳолаш жараёнини автоматлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш;

баҳолаш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларини тарқатиш»;

3) 8-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«8. Лицензия талабгори лицензия олиш учун лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги талаб қилиб олиш депозит ҳисоб рақами;

фаолиятнинг лицензия талабгори амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланаётган тури;

б) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия талабгори аризасининг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилиши учун йиғимнинг лицензия талабгори тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензия талабгори штатида турган ушбу Низомда назарда тутилган миқдордаги баҳоловчилар малака сертификатларининг тасдиқланган нусхалари;

д) таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

е) баҳоловчиларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларнинг тасдиқланган нусхалари;

ж) шакллантирилган устав капитали миқдори тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган ҳужжат;

з) пул маблағларининг устав капиталига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (бухгалтерия ҳисоби тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошланғич ҳисобга олиш ҳужжатлари нусхалари);

и) ўз баҳоловчилари ишлари сифатини назорат қилишнинг тасдиқланган ички қоидалари нусхалари»;

4) 17-банднинг тўртинчи хатбошидаги «фаолият тури» сўзларидан кейин «ва унинг йўналишлари» сўзлари қўшилсин;

5) 22-бандда:

«этиши учун етарли бўлган» сўзлари «этадиган» сўзи билан алмаштирилсин; қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этиш учун лицензия талабгорига кўпи билан 30 кун муддат берилади»;

6) 25-бандда:

«кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар» сўзлари «қайта расмийлаштириладиган лицензиянинг асл нусхаси ва кўрсатилган ўзгартиришларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

7) 33-бандга қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Қўйидагилар баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган лицензия талаблари ва шартларини бир марта кўпол равишда бузишга киради:

баҳолаш тўғрисида мулкдорга ва (ёки) буюртмачига моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаққоний бўлмаган ҳисобот тузиш;

ҳаққоний бўлмаган эксперт хулосаси тузиш;

баҳолаш ишларини ўтказишда олинган махфий ахборотни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг руҳсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақилликни таъминламаганлик;

лицензияловчи орган томонидан ўтказиладиган лицензия талаблари ва шартларини текширишлардан бўйин товлаш;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта полисининг мавжуд эмаслиги;

ушбу Низомда назарда тутилмаган фаолият турларини амалга ошириш;

8) 35-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан алмаштирилсин:

«юримдик шахсининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

муассисларнинг устав капиталига қўшган маблағлари тўғрисидаги маълумот»;

9) Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш схемасида:

1-босқичнинг «Субъектлар» устунидаги «жисмоний шахс» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-босқичнинг «Тадбирлар» устунидаги 3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма билдиришнома юборилди (топширилади)».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**225** Зооветеринария хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон қарорини бажариш ва шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarига ушбу соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг иловага\* мувофиқ туманлар (шаҳарлар) давлат ветеринария бўлимлари балансида бўлган зооветеринария шохобчалари биноларини хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, иловада кўрсатилган зооветеринария шохобчалари биноларини хусусийлаштириш ветеринария фаолияти билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлик субъектлари ўртасида, улар томонидан зооветеринария хизматлари кўрсатиш фаолияти камида 10 йил мобайнида сақланиши шarti билан ёпиқ кимосди савдоларида амалга оширилади.

Зооветеринария шохобчаларининг зооветеринария хизматлари кўрсатиш, шу жумладан минтақанинг эпизоотик барқарорлигини таъминлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш туман (шаҳар) давлат ветеринария бўлимларига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария бош бошқармаси билан биргаликда савдоларни ўтказишда кимосди савдоларини ташкил этиш тартибларига риоя қилинишини, шунингдек савдоларда иштирок этиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг мувофиқлиги ва ишончилиги устидан назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 июнь,  
129-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХҚAMACIНИНГ  
ҚАРОРИ**226 Республика олимпия захиралари теннис мактабининг  
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–848-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби (кейинги ўринларда Республика олимпия захиралари теннис мактаби деб аталади) интернатга эга бўлган, ўқувчилари турар жой, кунига тўрт марта овқатланиш, спорт анжомлари, формаси, асбоб-ускуналар ва инвентарь билан таъминланадиган мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади;

Республика олимпия захиралари теннис мактабига ҳар йили 20 нафар иқтидорли, коидага кўра, 13-14 ёшдаги спортчилар 3 йил муддатга ўқиш учун қабул қилинади, спортчиларнинг умумий контингенти 60 нафар;

Республика олимпия захиралари теннис мактаби спортчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқитиш яқин-атрофда жойлашган умумтаълим мактабларида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган «Умид» спорт комплексини белгиланган тартибда бепул асосда Республика олимпия захиралари теннис мактаби балансига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Умид» спорт комплексини белгиланган тартибда Республика олимпия захиралари теннис мактаби балансига ўтказсинлар.

Республика олимпия захиралари теннис мактаби «Умид» спорт комплексининг спорт майдончалари ва иншоотларидан аҳоли фойдаланишининг амалдаги тартибини сақлаб қолсин.

3. «Тошкент теннис маркази» ОАЖ спорт комплексининг Республика олимпия захиралари теннис мактаби балансига ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг «Тошкент теннис маркази» ОАЖни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Қўйидагилар:

Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Республика олимпия захиралари теннис мактабига ўқувчиларни танлов асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Республика олимпия захиралари теннис мактаби ўқувчиларини турар жой ва овқатланиш, спорт анжомлари ва форма билан таъминлаш нормативлари 4 ва 5-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

\* 4-5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда Республика олимпия захиралари теннис мактабининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

ўқув йили бошлангунга қадар теннисчилар тайёрлашнинг кенг жаҳон тажрибасини ҳисобга олувчи теннисчилар тайёрлаш дастурларини тасдиқласин;

ўқув-тренировка жараёнини зарур даражада ташкил этиш мақсадида Республика олимпия захиралари теннис мактабини малакали мутахассислар билан таъминлаш, зарур ўқув-методик адабиётларни танлаб олган ҳолда ўқув хоналарини жиҳозлаш чора-тадбирларини кўрсин;

белгиланган тартибда зарур спорт анжомлари, формаси, инвентарь ва асбоб-ускуналар харид қилинишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили Республика олимпия захиралари теннис мактабига ўқишга юбориладиган иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш тадбирлари режасини тасдиқласин;

спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан даврий мониторинг олиб борсин, зарурат бўлганда, Республика олимпия захиралари теннис мактабининг Ҳомийлик кенгашига ўқув-тренировка жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига мажбурий умумий ўрта таълимнинг узлуксизлиги таъминланиши ҳамда Республика олимпия захиралари теннис мактаби битирувчиларининг асосан спорт коллежларига ёки бошқа ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига бириктирилиши учун масъулият юклансин.

7. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда:

Халқаро теннис федерацияси (ITF)нинг тренерларни ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда Республика олимпия захиралари теннис мактабининг тренерлари малакасини ошириш курсларини ташкил этишни;

институтнинг кадрлар ва илмий-методик салоҳиятидан Республика олимпия захиралари теннис мактабининг ўқув-тренировка жараёнида фойдаланилишини назарда тутсин.

8. Республика олимпия захиралари теннис мактаби Ҳомийлик кенгашининг 2008-2009 ўқув йили бошлангунга қадар Республика олимпия захиралари теннис мактабини хомийлар маблағлари ҳисобига 6-иловага\* мувофиқ зарур ўқув, тренировка ва маиший асбоб-ускуналар, замонавий компьютер техникаси ва ахборот-ресурс маркази билан жиҳозлаш бўйича таклифига розилик берилсин.

9. Ўқувчининг Республика олимпия захиралари теннис мактабида ўқиш учун ҳар ойлик бадали миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида белгилансин.

Белгилансинки, ўқувчиларнинг бадаллари сифатидаги тушумлар ушбу мақсадларга ажратиладиган бюджет маблағлари билан бир қаторда мақсадли тарзда ўқувчиларни овқатлантиришни яхшилашга йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика олимпия захиралари теннис мактабининг ташкил этилиши ҳамда «Умид» спорт комплексининг унинг

---

\* 6-илова рус тилидаги матнда берилган.

балансига ўтказилиши муносабати билан республика бюджети ҳамда Тошкент ша-  
хар маҳаллий бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт  
ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги  
96-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда):

а) 2-иловага қуйидаги мазмундаги 32-банд қўшилсин:

«32. Республика олимпия захиралари теннис мактаби»;

б) 3-иловадаги мутасаддилик қилинадиган ташкилотларнинг учинчи блокига  
қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Республика олимпия захиралари теннис мактаби».

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-  
си Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 июнь,  
132-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 13 июндаги 132-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисида  
НИЗОМ**

**И. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги  
Республика олимпия захиралари теннис мактаби (кейинги ўринларда «РОЗТМ» деб  
юритилади) — интернатга эга бўлган мактабдан ташқари таълим муассасасидир.  
Юксак маҳоратли теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароит-  
лар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, мамлакат терма ко-  
мандаларининг захирасини шакллантириш РОЗТМнинг асосий фаолияти ҳисобла-  
нади.

2. РОЗТМ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун-  
ларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва  
бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор-  
лари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор-  
лари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек маз-  
кур Низомга амал қилади.

3. РОЗТМ юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб  
рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби-  
нинг тасвири туширилган ва ўз номи кўрсатилган муҳрга, бурчакли штампга эга.

4. РОЗТМ тузилмаси спортнинг юқори ютуқлари замонавий талабларига мос  
бўлган малакали тренер-ўқитувчилар таркибини ва моддий-техник базани (ўз мод-  
дий-техника базасини ёки ижарага олинган моддий-техник базани), спорт захирала-  
ри тайёрлашнинг илмий-методик ва тиббий-биологик тизимини ўз ичига олади.



РОЗТМ теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси терма командаларини тайёрлашни, истиқболли спортчиларни танлашни ҳам таъминлайди ҳамда тажриба ортириш йўли билан тренер-ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш ишларини ташкил этади.

5. РОЗТМ йиллик иш режасига, бутлаш режасига, спорт тадбирларининг календарь режасига, мактабнинг асосий контингенти спортчиларининг сўровнома маълумотларига, буйруқлар дафтариغا, машғулотлар жадвалига, спортчиларни тайёрлашнинг якка тартибдаги режаларига, тренер-ўқитувчилар ишини ҳисобга олиш дафтарларига ва РОЗТМ фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларга эга бўлади.

6. РОЗТМ иши теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси терма командаси аъзолигига тайёрланган номзодлар сони ҳамда ўқувчиларнинг Ўзбекистон чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда иштироки натижаларига кўра баҳоланади.

## II. РОЗТМнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар РОЗТМнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юксак маҳоратли теннисчилар тайёрлаш бўйича ўқув-тренировка жараёнини ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техник база ва малакали тренерлар таркибини барпо этиш;

зарурат бўлганда хорижий мутахассис-тренерларни жалб этган ҳолда теннис соҳасида энг янги илмий-методик тавсиялар асосида ўқув-тренировка жараёнини ташкил этиш;

теннисчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал сифатларини такомиллаштириш, шунингдек замонавий теннисни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ Ўзбекистон терма командаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

теннисчилар ва тренерлар таркибининг касб маҳоратини ошириш учун тажриба айирбошлаш бўйича хорижий теннис мактаблари, академиялар ва клублар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

8. РОЗТМ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

теннис клублари ва спорт мактабларида олдиндан тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт лаёқатига эга бўлган ва юксак маҳоратли теннисчиларни тайёрлаш учун тегишли салоҳиятга эга бўлган истеъдодли йигит ва қизлар орасидан танлов асосида танлаб олиш;

РОЗТМда таълим олаётганларнинг республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишини таъминлаш ҳамда республикада ва унинг ташқарисида ўқув-тренировка йиғинлари ўтказиш;

теннисчиларни тайёрлашнинг кенг халқаро тажрибасини ҳисобга оладиган юксак маҳоратли теннисчилар тайёрлашнинг махсус дастурларига ўқитиш;

теннисчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмалари ошишига, жисмоний сифатлари ривожланишига, шунингдек замонавий теннис талабларига мувофиқ теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси терма командалари, теннис клублари, болалар спорт мактабларини тайёрлаш даражасини оширишга қўмаклашиш;

турли даражалардаги мусобақаларга хизмат кўрсатиш учун тренер-ўқитувчилар ва теннис бўйича ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

таълим жараёнини замонавий техник воситалардан фойдаланиш негизда теннис бўйича энг янги илмий-методик ахборот билан таъминлаш;

илғор илмий технологиялар ва методикаларни ишлаб чиқиш ва ўқув-тренировка жараёнига жорий этиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи мутахассисларини жалб этиш, шунингдек хорижий теннис клублари ва мактабларининг илғор иш тажрибасини ўрганиш учун мутахассисларни чет элга юбориш.

### III. РОЗТМнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

9. РОЗТМ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

теннисчилар тайёрлашнинг кенг халқаро тажрибасини ҳисобга оладиган юксак маҳоратли теннисчиларни тайёрлаш махсус дастурлари асосида мактабнинг ўқув режасини, йиллик календарь режани, ўқув жадвалини ва ўқув-тренировка машғулоти жадвалини ишлаб чиқиш;

спорт тайёргарлигининг ҳар бир босқичида ўқувчиларни яқка тартибда ўқитишнинг қанча вақт давом этишини белгилаш ҳамда тайёрлаш даври ва босқичига қараб ўқув гуруҳлари сони ва уларнинг тўлдирилишини, ўқув-тренировка ишларининг ҳафталик режимини белгилаш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган таълим ва тарбия шакли, воситалари ва усулларини танлаш;

РОЗТМда ўқиганликни ва уни тамомлаганликни тасдиқлайдиган сертификат бериш. Сертификат қатъий ҳисобот бериладиган бланка ҳисобланади, у белгиланган тартибда ҳисобга олиниши ва сақланиши керак;

ўзининг ихтисосига мувофиқ пулли хизматлар кўрсатиш ва шартномавий ишларни бажариш;

белгиланган тартибда ташкил этилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга лавозим маошлари ва ставкаларни белгилаш;

ходимларнинг иш самарадорлиги ва сифатидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (моддий рағбатлантириш фонди) доирасида уларни мукофотлаш тартиби ва миқдорини белгилаш;

ходимларга спортдаги ва ишдаги бошқа ютуқлари, ўтказилган тадбирларнинг юксак сифати учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига қўшимча устамалар белгилаш. Устамалар миқдори амалга оширилган чора-тадбирлар, бажариладиган ишлар (кўрсатилган хизматлар) сифатини оширишга, даромадлар ўсишига ҳар бир ходимнинг қўшган шахсий хиссасига боғлиқ равишда белгиланади. Иш сифати ёмонлашган, гуруҳларни тўлдириш пасайган ва бошқа кўрсаткичлар ёмонлашган, ўқув режалари ва дастурлар бажарилмаган тақдирда кўрсатиб ўтилган устамалар камай-тирилади ёхуд тўлиқ бекор қилинади.

10. РОЗТМ қўйидагиларга мажбур:

таълим беришнинг техник воситаларини кенг қўллаган ҳолда машқларни бажаришнинг замонавий методикалари асосида ўқув-тренировка жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ҳам республика ҳудудида, ҳам етакчи хорижий спорт клубларида ўқув-тренировка машғулоти ва йиғинларини ташкил этиш, республика ва халқаро мусобақаларда, ўйинли учрашувларда, тиклаш, профилактика ва соғломлаштириш тадбирларида қатнашиш, тиббий, биологик текшириш, педагогик тест синови ва назарий машғулоти ўтказиш;

РОЗТМ ўқувчиларининг 4 марта овқатланишини, уларнинг истиқомат қилишини, уларга спорт кийими ва инвентарь берилишини таъминлаш;

халқаро турнирлар, Олимпия ва Осиё ўйинлари, республика мусобақалари ва ўйинли учрашувларга умумий ва махсус тайёргарлик бўйича ўқув-тренировка йиғинлари режимида ишлаш;

спорт маҳоратининг мақбул шарт-шароитларда, машқ туркумининг муайян даврларида такомиллаштирилишини таъминлаш;

ўқув-тренировка йиғинлари ва мусобақалар ўтказилаётган вақтда ўқувчиларни овқат, турар жой, сарф-харажатларнинг белгиланган нормалари бўйича фармакология, тиклаш воситалари, витаминлар ҳамда оксил-глюкоза препаратлари билан таъминлаш;

мактаб директори томонидан тасдиқланган режа бўйича ўқув-тренировка машғулотлари жараёнида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бориш.

#### 11. РОЗТМ:

ўқув-тренировка жараёни ташкил этилишининг қўлланиладиган шакллари, усуллари ва воситалари ўқувчиларнинг ёш билан боғлиқ психофизик хусусиятлари, майллари, қобилиятларига, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш талабларига муқобиллиги;

ўқувчилар ва ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши;

ўзига юкланган вазифалар зарур тарзда ва самарали бажарилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### IV. Спортчилар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. РОЗТМга, қоидага кўра, 13-14 ёшдаги (ўқиётган ёки 7-синфга ўтган) спортчилар қабул қилинади. РОЗТМда ўқиш муддати 3 йилни ташкил этади. Ҳар йили РОЗТМга 20 ўқувчи қабул қилинади, спортчиларнинг умумий контингенти — 60 киши.

13. Айрим ҳолларда юксак спорт натижаларига эга бўлган 13 ёшдан кичик ўқувчилар қабул қилиниши мумкин.

14. РОЗТМ спортчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

яқин-атрофдаги умумтаълим муассасаларида ўқиш;

4 марта овқат билан бепул таъминланиш;

РОЗТМ томонидан белгиланган тартибда РОЗТМнинг моддий-техника базаси ва мол-мулкидан бепул фойдаланиш;

ётоқхонада яшаш;

бошқа таълим муассасасига ўтиш.

15. РОЗТМ спортчилари қуйидагиларга мажбур:

ўз спорт маҳоратини такомиллаштириш ва ошириш;

мунтазам равишда спортчи кундалигини юритиш;

РОЗТМнинг тренерлар кенгаши томонидан тасдиқланган тест синови ва асосий мусобақаларда қатнашиш.

### V. Ўқув-тренировка жараёнини ташкил этиш

16. РОЗТМ ўқув-тренировка жараёни мактаб директори томонидан тасдиқланган ўқув режаси бўйича амалга оширилади.

17. Ўқув-тренировка йиғинлари, гуруҳли ўқув-тренировка ва назарий машғулотлар, республика ва халқаро мусобақаларда, ўйинли учрашувларда қатнашиш,

тиклаш, профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини, тиббий-биологик текширишни, педагогик тест синовини амалга ошириш, ўқув фильмларини, кинодастурлар ва спорт мусобақаларини томоша қилиш РОЗТМ ўқув-тренировка жараёнининг асосий шакллари ҳисобланади.

РОЗТМ ўқув режасига мувофиқ ўқув, ўқув-тренировка ва тарбиявий ишлар шакллари ва усулларини, машғулотларнинг бошланиши, таътилларни ўтказиш ва якуний аттестация муддатларини белгилайди.

18. Тарбияланувчиларнинг режали спорт тайёргарлигини таъминлаш мақсадида ўқув-тренировка жараёни республика спорт-оммавий тадбирлари ягона календарини ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади, унинг асосида спорт тадбирларининг календарь режаси тузилади ва ушбу тадбирларда РОЗТМ тарбияланувчиларининг иштироки таъминланади.

19. РОЗТМ ўқувчилари ўқиш даврида ўқув-тренировка йиғинларига жўнаб кетганларида умумтаълим фанларига ўқитиш яқин-атрофда жойлашган умумтаълим мактаблари негизида ташкил этилади. Бундай ўқишни ташкил этиш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда ўқувчилар йиғинларда бўлишнинг бутун даврида ўзлари ўқиётган умумтаълим мактабларида ўқитувчилардан яқка тартибда топшириқлар оладилар, қайтганларидан кейин эса дастурларнинг тегишли бўлимлари бўйича синовлар топширадилар.

20. Ўқув-тренировка йиғинларида ўқитиш жараёни РОЗТМнинг тренер — ўқитувчилари томонидан ўз теннисчилари билан РОЗТМга ўқишга келган шахсий тренерлар билан биргаликда амалга оширилади.

21. Ўқув-тренировка жараёни ўқитишнинг техник воситалари ва тиклаш тадбирлари кенг қўлланилган, кун режими оқилона ташкил этилган ҳолда машқ қилишнинг замонавий методикаси асосида амалга оширилади.

22. Ўқув-тренировка йиғинларининг вазифалари тренерлар кенгаши томонидан белгиланади ва машқ қилиш туркумининг муайян даврларида спорт маҳорати мақбул шароитларда такомиллаштирилишини таъминлаши керак.

## VI. Врач назорати

23. РОЗТМ спортчилари РОЗТМ ва Республика даволаш-жисмоний тарбия диспансери тиббиёт ходимларининг доимий кузатуви остида бўладилар.

24. РОЗТМда илмий-методик таъминлаш тиббиёт ташкилотлари ва илмий ташкилотлардан жалб этиладиган комплекс илмий гуруҳ томонидан амалга оширилади.

## VII. РОЗТМ раҳбарияти, маъмурий ходимлар, тренер-ўқитувчиларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

25. РОЗТМнинг бутун фаолиятига бевосита раҳбарликни Ўзбекистон Теннис федерациясининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тайинладиган РОЗТМ директори амалга оширади.

РОЗТМ директори лавозимига олий жисмоний тарбия маълумоти ва камида 5 йил ташкилий иш тажрибасига эга бўлган шахслар тайинланади.

26. РОЗТМ директори:

РОЗТМ номидан иш кўради ва унинг манфаатларини ифодалайди;

белгиланган тартибда РОЗТМнинг мол-мулкни тасарруф этади ва шартномалар тузади;

РОЗТМнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда ўқув юртига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатларини ва уларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

РОЗТМнинг барча ходимлари учун мажбур бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

27. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари РОЗТМ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари олий жисмоний тарбия маълумоти ва камида 3 йиллик тренер-ўқитувчи иш тажрибасига эга бўлиши керак. Директор ўринбосари ўқув-тренировка жараёни ташкил этилиши, спортчилар танланиши ва РОЗТМ бутланиши, йўриқчи-методистлар иши ташкил этилиши учун жавоб беради, ўқув-тренировка машғулотлари ўтказилиши ва спортчиларнинг яқка тартибдаги режалари бажарилиши устидан методик назоратни амалга оширади, тренер-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга оид материалларни тайёрлайди.

28. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари РОЗТМ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ҳамда маъмурий-хўжалик фаолияти иш тажрибасига эга бўлиши керак. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари ўқув-тренировка жараёни учун моддий-техник шарт-шароитлар яратилиши, мактабнинг мол-мулки ва инвентари сақланиши, бинолар ва хоналардан фойдаланиш, уларни зарур санитария ҳолатида сақлаш, транспорт таъминоти ва ундан фойдаланиш учун жавоб беради. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари спорт иншоотларидан тўғри фойдаланишни, улар профилактикасини амалга оширишни, уларнинг жорий таъмирланишини назорат қилиши, спорт снарядлари ва инвентари соз ҳолатда бўлишини кузатиб бориши шарт.

29. Катта йўриқчи-методист ва йўриқчи методист лавозимига олий ёки ўрта махсус жисмоний тарбия маълумотига эга бўлган шахслар тайинланадилар.

Йўриқчи-методист методик ишларни амалга оширади, тиббиёт ходимлари ва комплекс илмий гуруҳлар ишини мувофиқлаштиради, тренерларнинг иш тажрибасини умумлаштиради.

30. Директорлар, директор ўринбосарлари, катта йўриқчи-методистлар ва йўриқчи методистларга уларнинг асосий лавозими бўйича иш вақти мобайнида белгиланган нормативларга мувофиқ спорт бўйича тренер — ўқитувчиларнинг ставкалари ҳисоб-китобидан келиб чиқиб ҳақ тўланган ҳолда ўз мактабида ўқув машғулотлари олиб боришга рухсат берилади. Бунда кўрсатиб ўтилган иш учун иш ҳақи спорт бўйича тренер — ўқитувчи 0,5 ставкасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

31. РОЗТМда таркиби директор томонидан тасдиқланган тренерлар кенгаши ташкил этилади.

Тренерлар кенгаши методик ишларни амалга оширади, халқаро турнирларга бориш учун терма командаларни шакллантиради, ҳар хил турнирлар тамом бўлгандан кейин яқунлар чиқаради ва ўзини энг юқори даражада кўрсатган спортчиларни рағбатлантириш учун тавсия қилади.

32. РОЗТМда тренер-ўқитувчилар ишини назорат қиладиган, ўқув-тренировка жараёни ташкил этилиши, бўлинмалар бутланиши, ўқув иши режалаштирилиши ва ҳисобга олиниши, назорат тест синовлари ўтказилиши, бўлинмаларнинг тренерлар кенгашлари ўтказилиши, тренер-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш чора-

тадбирлари ташкил этилиши устидан назоратни амалга оширадиган катта тренер-ўқитувчилар тайинланади, улар қўшма машғулотлар ва йиғинларни ташкил этиш вақтида ўқув-тренировка жараёни ўтказилишида қатнашадилар.

33. Тренер-ўқитувчилар таркиби биринчи ва олий малака тоифасига эга бўлган мутахассислардан бутланади.

Тренер-ўқитувчи ўз гуруҳининг ҳар бир спортчиси учун тайёргарликнинг яқка тартибдаги режаларини ишлаб чиқади, уларга мувофиқ ўқув-тренировка ишлари ва тарбиявий ишларни олиб боради, умумий, махсус жисмоний, техник тайёргарлик бўйича спортчиларни тест синовдан ўтказиш натижалари, спортчилар томонидан машқ юкламалари бажарилиши, санитария-гигиена нормаларига ва машғулотлар ўтказиладиган жойларга нисбатан қўйиладиган талабларга риоя қилинишининг мунтазам ҳисобини юритади.

Спорт бўйича тренер — ўқитувчи мунтазам равишда ўз малакасини ошириб боради, методик семинарларда қатнашади.

Тренер-ўқитувчи ўқув-тренировка машғулотларида, йиғинлар ва мусобақаларда спортчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, спортчиларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши учун жавоб беради.

Йўл қўйилган қоида бузишлар учун тренер-ўқитувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

### **VIII. Молиялаштириш, моддий таъминлаш, ҳисобот**

34. РОЗТМ фаолиятини молиялаштириш:

ўқувчиларнинг бадаллари;

ҳомийларнинг маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

бюджетдан ташқари маблағлар;

хўжалик фаолиятдан, пулли хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

35. РОЗТМни молиялаштириш учун ҳисоб-китоб бирлиги сифатида ўртача йиллик контингент — 1 нафар спортчи кўрсаткичи қўлланилади.

36. РОЗТМни молиялаштириш белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

37. РОЗТМ амалдаги шаклларга мувофиқ белгиланган тартибда молиявий ва хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига тақдим этади.

### **IX. Республика олимпия захиралари теннис мактабининг халқаро фаолияти**

38. Республика олимпия захиралари теннис мактаби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар орқали халқаро мусобақаларда қатнашиш, чет элларда ўқув-тренировка йиғинлари ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқига эга.

39. Республика олимпия захиралари теннис мактаби тажриба алмашиш, тажриба орттириш, турли тадбирлар, мусобақалар, олимпиадалар ва шу кабиларда қатнашиш мақсадида ўқувчилар ва тренер-ўқитувчиларни чет элларга юбориш учун танлаб олади.

40. Республика олимпия захиралари теннис мактаби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Теннис федерацияси орқали тажриба алмашиш, тажриба орттириш ва мусобақаларда қатнашиш учун хорижий делегацияларни қабул қилади.

41. Республика олимпия захиралари теннис мактаби мавжуд халқаро алоқалардан фойдаланган ҳолда хорижий спорт муассасалари ва ташкилотлари билан мактабнинг педагог ходимлари ва спортчиларини айирбошлаш, биргаликда тадбирлар, байрамлар, кўриклар, йиғинлар, семинарлар ва шу кабилар ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда битимлар тузиш ҳуқуқига эга.


+

-

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 13 июндаги 132-сон қарорига  
2-ИЛОВА

226-модда

### Республика олимпия захиралари теннис мактабининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий сони — 129 нафар,  
шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари — 9 нафар.

— 40 —

24-25 (316-317)-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 13 июндаги 132-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Республика олимпия захиралари теннис мактабига  
ўқувчиларни танлов асосида танлаб олиш ва қабул  
қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Республика олимпия захиралари теннис мактабига ўқувчиларни танлов асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Теннис федерацияси ўқувчиларни танлов асосида сифатли танлаб олишга эришиш мақсадида қабул қилиш бошланишидан камида 2 ой олдин оммавий ахборот воситаларида танлов ва уни ўтказиш шартлари тўғрисида эълон беради, шунингдек бошқа методлардан фойдаланади.

**II. Қабул комиссияси**

3. Республика олимпия захиралари теннис мактабига ўқувчиларни синаб кўриш ва танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг раиси ва котиби ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олиш, расмийлаштириш, сақлаш учун масъул ҳисобланадилар.

4. Комиссия раиси тажрибали, малакали тренерлар орасидан тайинланади. Республика олимпия захиралари теннис мактаби директори ҳам комиссия раиси этиб тайинланиши мумкин. Ўқув юрти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда комиссия таркибига психолог, тиббиёт ходими, Теннис федерацияси, Ўзбекистон теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек бошқа манфаатдор спорт ташкилотлари вакиллари киритилиши мумкин.

5. Қабул комиссиясига қуйидаги вазифалар юкланади:

Ўқувчилар, ота-оналар, жамоатчилик ўртасида Республика олимпия захиралари теннис мактаби фаолияти, унга қабул қилиш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

танлов ўтказилгунга қадар ўқувчилар ва ота-оналар учун мутахассислар консултацияларини ташкил этиш;

танлов асосида танлаб олишни ўтказиш, ўқувчилар қабул қилиш яқунларини таҳлил қилиш, умумлаштириш. Қабул комиссияси протоколинини котиб расмийлаштиради ва раис тасдиқлайди.

**III. Ўқувчиларни қабул қилиш**

6. Қабул комиссиясига ота-оналар ёки уларнинг ўрнинини босувчи шахслар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

болани Республика олимпия захиралари теннис мактабига қабул қилиш тўғрисида директор номига ариза;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (унинг асл нусхаси ҳужжатларни қабул комиссияси томонидан қабул қилиш вақтида тақдим этилади);

086/у шаклидаги тиббий маълумотнома;

ўқувчининг яшаш жойидан маълумотнома;

ўқувчининг 3/4 ёки 4/6 ҳажмдаги 6 та фотосурати;

ўқиган мактабидан берилган ўзлаштириш табели;

ўқувчининг узлуксиз психологик-педагогик текширув дафтари ёки мактаб психологи ва синф раҳбари томонидан тасдиқланган тавсифнома.

7. Республика олимпия захиралари теннис мактабига ҳужжатларни қабул қилиш қабул комиссияси томонидан танлов синовлари бошланишидан бир ҳафта олдин ўтказилади.

#### **IV. Танлов асосида танлаб олишни ўтказиш**

8. Республика олимпия захиралари теннис мактабига қабул қилиш қабул комиссиясининг қатъий назорати остида амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда Республика олимпия захиралари теннис мактаби томонидан ишлаб чиқилган ўқувчиларни қабул қилиш вақтида ўтказиладиган синовлар шакллари: суҳбатлар, тест синовлари, ёзма ишлар, синов материалларини ҳамда ушбу синовларни (ҳар қайси йўналиш бўйича) ўтказувчи комиссиялар таркибини, синовни ўтказиш муддатлари аниқ кўрсатилган ҳолдаги жадвални тасдиқлайди.

10. Республика олимпия захиралари теннис мактабида танлов-тест синовлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ 5 — 15 август оралиғида ўтказилади.

11. Тест-имтиҳон синовлари якунлари 20 августгача ўқувчиларга, ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга эълон қилиниши керак. Танлов синовларидан ўтолмаганларга ҳужжатлар улар ўқиган мактаб манзилига қайтарилади.

12. Танлов-тест синовлари ушбу муассасада ўқитиладиган тилда, Умумтаълим предметлари бўйича умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари асосида ўтказилади.

13. Ўқишга кирувчиларнинг билимлари 100 балли тизим бўйича баҳоланади. Танлаб олиш қабул режасига мувофиқ фақат энг кўп балл олган талабгорлар орасидан амалга оширилади.

Қабул қилиш режаси бажарилмай қолган ҳолларда бўш ўринларга қўшимча танлов ўтказилиши мумкин.

14. Талабгорларнинг баллари тенг бўлиб қолган ҳолларда қўшимча суҳбатлашувлар ўтказилади.

15. Танловдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар Республика олимпия захиралари теннис мактабига қабул комиссияси протоколи асосида директор буйруғи билан қабул қилинади.

#### **V. Ўқувчиларни ўқишдан четлатиш тартиби**

16. Умумтаълим предметлари бўйича ўқув дастурлари талабларини бажармаган ҳамда ихтисослик бўйича йил мобайнида назорат тест синовларидан ўтмаган ва ички тартиб-қоидаларни бузган ўқувчилар Республика олимпия захиралари теннис мактаби тарбияланувчилари қаторидан четлаштирилади ва ўқишни давом эттириши учун яшаш жойидаги умумтаълим мактабларига жўнатилади.

17. Соғлиғининг ҳолатига кўра Республика олимпия захиралари теннис мактабида ўқишни давом эттиролмайдиган ўқувчилар тегишли тиббиёт муассасаларининг хулосаси асосида яшаш жойидаги умумтаълим мактабларига ўтказилади.

18. Республика олимпия захиралари теннис мактаби ўқувчиларини бошқа ўқув юртларига ўтказиш директор буйруғи билан расмийлаштирилади. Ўтказишлар фақат ўқув чораги ёки ярим йиллиги тугагандан кейин амалга оширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAḤKAMASINING ҚАРОРИ

### **227** Тошкент давлат техника университетида кадрлар тайёрлаш таркибини такомиллаштириш тўғрисида

Авиация техникаси ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, бунинг учун замонавий талабларга жавоб берадиган зарур ўқув ва моддий-техник базани яратиш, умумтехник ва махсус предметлар ўртасидаги предметлараро узвий алоқаларни таъминлаш, бўлажак мутахассисларни ўқитиш жараёнини уларнинг касб малакаларини эгаллаши билан боғланишини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамиятининг Тошкент давлат авиация институтини тугатиш ва унинг негизида Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти Тошкент давлат техника университети Авиация факультетининг базавий корхоналари этиб белгилансин.

Кўрсатиб ўтилган базавий корхоналар Авиация факультетига унинг ўқув-лаборатория базасини замонавий асбоб-ускуналар ва ўқитишнинг техник воситалари, компьютерлар, аудио ва видео техника билан жиҳозлашда, талабаларнинг ишлаб чиқариш-малака ошириш амалиёти ўташини ташкил этишда, битирувчиларни ишга жойлаштиришда мунтазам равишда моддий ва ташкилий-техник ёрдам кўрсатсинлар.

3. Тошкент давлат техника университетининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультетига 2008/2009 ўқув йили учун «Самолётсозлик», «Авиация ва ракета-космик техникадан фойдаланиш», «Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиоэлектрон асбоб-ускуналаридан фойдаланиш» ҳамда «Ҳаводаги ҳаракатларни бошқариш» йўналишлари бўйича қабул қилиш умумий квотаси бакалаврлар тайёрлаш бўйича 100 киши, шу жумладан давлат грантлари бўйича 40 киши ва пулли-контракт асосида 60 киши этиб белгилансин, бунда ҳар бир йўналиш бўйича умумий квотанинг 25 кишидан, шу жумладан дав-

лат грантлари бўйича 10 киши ва пулли-контракт асосида 15 киши бўлиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги манфаатдор тузилмалар билан биргаликда келгуси йилларда Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультетига таълимнинг аниқ йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилиш квотасини белгилашда республика корхоналари ва иқтисодиёти соҳалари учун тайёрланаётган мутахассисларга бўлган аниқ эҳтиёждан келиб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси тугатилаётган Тошкент давлат авиация институтининг 2-иловага мувофиқ бинолари ва иншоотларини, бошқа мол-мулки ҳамда активларини Тошкент давлат техника университети балансига бепул ўтказсинлар.

Тошкент давлат техника университети Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2008 йил 20 августгача бўлган муддатда 2-иловага мувофиқ берилган биноларни, уларга ўзга тузилмаларнинг жойлаштирилишига йўл қўймасдан, улардан фақат ўқув жараёнида фойдаланиш учун тайёрлашни таъминласин.

6. Тошкент давлат авиация институти тугатилиши ва унинг негизида Тошкент давлат техника университети Авиация факультетининг ташкил этилиши билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун 3-иловага\* мувофиқ таркибда Комиссия тузилсин.

Комиссия (А.П. Парпиев):

Тошкент давлат авиация институтининг тугатилиши билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин;

Тошкент давлат авиация институти ва унинг таркибий бўлинмалари мол-мулкнинг сақланиши, Тошкент давлат техника университети балансига берилгандан сўнг улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда, тугатилаётган Тошкент давлат авиация институти бинолари, мол-мулки ва активларининг Тошкент давлат техника университети балансига белгиланган тартибда берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Тошкент давлат техника университети тузилмасини ушбу қарор билан тасдиқланган 1-иловага мувофиқ тузилма билан тўлиқ мувофиқлаштирсин;

Тошкент давлат техника университетининг янгиланган уставини тасдиқласин; тугатилаётган Тошкент давлат авиация институтининг ўқиётган талабалар контингентини Тошкент давлат техника университети таркибига ўтказсин;

Тошкент давлат техника университетининг маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимлари сонини қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқлаштирсин;

тугатилаётган Тошкент давлат авиация институтининг профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин ва Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультети кафедраларини юқори малакали кадрлар билан таъминласин;

Тошкент давлат авиация институти ҳузуридаги академик лицейни Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 5-сон академик лицей деб қайта номласин;

ўқув, лаборатория ва ёрдамчи бўлинмалар таркиби ва тузилмасини қайта кўриб чиқсин, бунда университет фаолиятида, шу жумладан унинг бинолари ва хоналари-

\* 3-илова берилмайди.

дан фойдаланиш масалаларида бир-бирини такрорлаш ва параллелизмга йўл қўймасликни назарда тутсин.

8. Тошкент давлат техника университети бир ой муддатда таълимнинг талаб катта бўлган йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Авиация факультетини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент давлат техника университетининг 2008 йил учун харажатлар сметасига ушбу қарор қондаларини ҳисобга олган ҳолда зарур ўзгартиришлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат авиация институтининг тугатилиши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 18 июнь,  
134-сон

**Тошкент давлат техника университетининг ташкилий тузилмаси**



\* бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига таъминланади.  
Университет мутахассисларининг чекланган умумий сони — 326,  
шу жумладан МБХ — 76.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 18 июндаги 134-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Тошкент давлат авиация институтининг балансидан  
Тошкент давлат техника университети балансига  
бепул ўтказилаётган бинолар ва иншоотлар  
РЎЙХАТИ**

<b>Объектнинг номи</b>	<b>Жойлашган жойи</b>
1. Спорт комплекси билан биргаликда асосий ўқув корпуси	Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25
2. Ўқув корпуси	Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42
3. Ўқув корпуси	Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 45
4. Талабалар уйи	Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 203

+

-

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**228** «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари устав фондларига берилган давлат активларини сотишдан тушган маблағларни «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан жамланиши ва ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 1819-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 сентябрдаги 202-сонли «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 403-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари устав фондларига берилган давлат активларини сотишдан тушган маблағларни «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан жамланиши ва ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 май,  
55-сон

**Давлат мулкни бошқариш  
давлат қўмитаси раиси**

**Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 май,  
01/11-18/06-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*



Молия вазирлиги ва Давлат мулкани  
бошқариш давлат қўмитасининг  
2008 йил 28 майдаги 55, 01/11-18/06-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари устав  
фондларига берилган давлат активларини сотишдан тушган  
маблағларни «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан жамланиши  
ва ишлатилиши тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 сентябрдаги 202-сонли «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 403-модда) қарорига мувофиқ «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари устав фондларига берилган давлат активлари (кейинги ўринларда — давлат активлари) сотилишидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) ихтиёрига келиб тушадиган маблағларни жамлаш ва ишлатиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат мулки қўмитаси) давлат активларини қонунчиликда белгиланган тартибда сотишни амалга оширади.

2. Давлат активларини сотишдан тушадиган маблағлар Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида жамланади ва давлат активларини олди-сотди шартномасига мувофиқ сотиб олувчи томонидан сотиб олиш тўловлари тўлиқ амалга оширилгандан кейин қуйидаги тартибда тақсимланади:

«Пахтасаноат» ХАБнинг (кейинги ўринларда — Бирлашма) ёзма мурожаати, шунингдек Қимматли қоғозларнинг Давлат Марказий депозитарийси тасдиқловчи маълумоти асосида Бирлашмалар устав фондларига киритилган давлат активларининг қийматига тенг бўлган маблағлар уларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади;

маблағларнинг қолган қисми 100 фоиз деб қабул қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлар чегирилгандан сўнг, Уюшманинг тижорат банкларида очилган «22626 — корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3. Уюшма Давлат мулки қўмитасидан тегишли Шартнома асосида келиб тушган маблағларни кейинчалик пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мақсадли ишлатилиш учун муддатли, қайтариш ва тўлаш шарти билан йўналтиради.

Давлат мулки қўмитаси ва Уюшма ўртасида ҳар бир сотилган давлат активи бўйича алоҳида Шартнома тузилади.

**II. Маблағларни жамлаш, ишлатиш ва қайтариш тартиби**

4. Мазкур Низомга асосан маблағларни жамлаш ва ишлатиш бўйича алоҳида ҳисоб юритиш мақсадида Уюшма ва пахта тозалаш корхоналари, хизмат кўрсатув-

чи банкда «22626-корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус ҳисоб рақами очадилар.

5. Сотиб олиш тўловларининг тўлиқ миқдори Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушган санадан кейинги ойнинг 15-санасигача Давлат мулки қўмитаси ва Уюшма ўртасида тегишли шартнома тузилади ва шартномада кўрсатилган маблағлар ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб 3 (уч) банк кунидан кўп бўлмаган муддатда Уюшманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.

6. Давлат мулки қўмитаси томонидан Уюшмага берилган маблағларга Уюшма махсус ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб Давлат мулки қўмитасига қайтарилиш кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш йиллик ставкасининг 50 фоизи миқдорида кунлик фоизлар ҳисобланади.

7. Уюшма унга берилган маблағларни (асосий қарзни) ва уларга ҳисобланган фоизларни алоҳида тарзда 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил давомида шартномага илова қилинадиган жадвал асосида тенг йиллик улушларда Давлат мулки қўмитасига қайтаради.

8. Пахта тозалаш корхоналаридан маблағларга буюртма бўлмаганда, уларни кўриб чиқиш даврида ва Уюшма махсус ҳисоб рақамидаги маблағлар қолдиғи, буюртмаларда кўрсатилган маблағлар миқдоридан кўп бўлган ҳолларда, Уюшма махсус ҳисоб рақамидаги вақтинчалик бўш маблағлар Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштирилиши мумкин. Улардан олинган даромадлар маблағларнинг Уюшма махсус ҳисоб рақамида турган даврига ҳисобланган фоизларни тўлаш учун мақсадли йўналтирилади.

Давлат мулки қўмитаси томонидан маблағларнинг Уюшма махсус ҳисоб рақамида бўлган даври учун ҳисобланган фоизлар, тўловлар кечиктирилганлиги учун ҳисобланган устамалар ва жарималар (ҳисобланган тақдирда), асосий қарз, банк хизматлари учун тўловлар ва берилган маблағларни бошқариш харажатларини тўлаш учун маблағларнинг етмаган қисмини Уюшма ўз маблағлари ҳисобидан тўлаб беради.

9. Модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун маблағларга эҳтиёжи бор пахта тозалаш корхоналари, корхона тегишли бошқарув органининг қарз маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги қарорига асосан унга тегишли ҳужжатлар ва ҳисоб-китобларни (пахта тозалаш корхоналари томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган реконструкция ва модернизация лойиҳа-смета ҳужжатларини ва техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда Уюшма томонидан белгиланган бошқа ҳужжатларни) илова қилган ҳолда Уюшмага ёзма мурожаат юборадилар.

10. Уюшма тушган мурожаатларнинг алоҳида ҳисобини юритади, пахта тозалаш корхоналари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича мурожаат этувчига мурожаатни олган кундан бошлаб 20 иш куни ичида маблағ ажратиш ёки ажратмаслик (рад этишни асословчи далилларни кўрсатган ҳолда) тўғрисида қабул қилинган қарор юзасидан ёзма билдиришнома юборади.

11. Пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича барча лойиҳаларни Уюшма томонидан тузилган Комиссия томонидан экспертиза қилиниши, сўнгра лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигида экспертизадан ўтказилиши лозим. Комиссияни тузиш ва унинг ишини ташкил қилиш тартиби Уюшма томонидан белгиланади.

12. Лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ишлаб чиқаришнинг техник дара-

жасини оширишга, биринчи навбатда, корхоналарнинг техник пахта чигити тежалишини, сифатли, рақобатга бардошли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишда қатнашувчи пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда танлов (тендер) асосида аниқланади.

13. Агарда Уюшма томонидан маблағ ажратиш тўғрисида рад этиш қарори қабул қилинган тақдирда, рад этиш сабабларини тўғрилаш имконияти мавжуд бўлса, пахта тозалаш корхонаси уларни бартараф этгандан сўнг, такроран Уюшмага мурожаат қилишга ҳақли. Такроран тақдим этилган ҳужжатлар Уюшма томонидан мазкур Низомнинг 10-бандида қайд этилган муддатда кўриб чиқилади.

14. Маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Уюшма ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 иш куни ичида пахта тозалаш корхонаси билан мазкур Низомда белгиланган шартлар асосида тегишли шартнома тузади.

Уюшма махсус ҳисоб рақамида жамланган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш корхоналарга модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун босқичма-босқич аванс бериш билан, кейинги ҳисоб-китоблар эса ўрнатилган тартибда ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмлари учун пахта тозалаш корхоналари тегишли ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.

Шу билан бирга, аванс тўловлари тегишли шартнома тузилган кундан кейин 3 банк куни ичида амалга оширилади.

15. Уюшма томонидан ажратилган маблағларга ушбу маблағлар пахта тозалаш корхонасининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб ва Уюшманинг махсус ҳисоб рақамига қайтариладиган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш йиллик ставкасининг 50 фоизи миқдорида кунлик фоизлар ҳисобланади.

16. Пахта тозалаш корхонаси Уюшма томонидан берилган маблағларни ва уларга ҳисобланган фоизларни 2012 йил 1 январдан бошлаб 3 йил давомида шартномага илова қилинадиган жадвал асосида тенг йиллик улушларда Уюшмага қайтаради.

17. Маблағ олган пахта тозалаш корхоналари ушбу маблағларни Уюшмага ўрнатилган тартибда муддатидан олдин қайтаришга ҳақлидирлар.

18. Уюшмадан Давлат мулки қўмитасига келиб тушган асосий қарз, фоизлар, устамалар ва жарималар (ҳисобланган тақдирда) қайтарилган вақтда амал қиладиган қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

Бунда асосий қарз, фоизлар, устамалар ва жарималар (ҳисобланган тақдирда) 100 фоиз деб қабул қилинади ва Давлат мулки қўмитасига тегишли қисми ҳисобланмайди.

Бирлашмалар устав фондига берилган давлат активларини сотишдан тушадиган маблағлар ва Уюшма томонидан Давлат мулки қўмитасига ўтказилган асосий қарз, фоизлар, устамалар ва жарималар (ҳисобланган тақдирда) тақсимоти мазкур Низомнинг иловасидаги мисолда келтирилган.

19. Ушбу Низомга асосан Давлат мулки қўмитаси ўзининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушаётган маблағларни ўз вақтида ва тўғри тақсимланишига жавоб беради.

20. Уюшма:

Давлат мулки қўмитасига маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши учун; пахта тозалаш корхоналари томонидан маблағларни мақсадли ишлатилиши, ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши учун жавоб беради.

### III. Берилган маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш тартиби

21. Шартнома асосида Давлат мулки қўмитаси томонидан Уюшмага берилган пул маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан назорат қонунчилик ва шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда амалга оширилади.

22. Шартнома асосида Уюшма томонидан пахта тозалаш корхоналарига берилган пул маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан назорат қонунчилик ва шартномаларга мувофиқ Уюшма томонидан ҳамда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

23. Пахта тозалаш корхонаси Уюшма томонидан шартномага мувофиқ берилган пул маблағларни мақсадсиз ишлатган тақдирда, пахта тозалаш корхонаси мақсадсиз ишлатилган маблағлар қийматининг 10 фоизи миқдорида Уюшмага жарима тўлайди.

Пахта тозалаш корхоналари томонидан мақсадсиз ишлатилган пул маблағлари Уюшма томонидан ундирилади ва кейинчалик уларни ишлатиш учун Уюшманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ёки Давлат мулки қўмитасига ўрнатилган тартибда қайтарилади.

24. Уюшма Давлат мулки қўмитаси томонидан шартномага мувофиқ берилган пул маблағларни мақсадсиз ишлатган тақдирда, Уюшма мақсадсиз ишлатилган маблағлар қийматининг 10 фоизи миқдорида Давлат мулки қўмитасига жарима тўлайди.

Уюшма томонидан мақсадсиз ишлатилган пул маблағлари Давлат мулки қўмитаси томонидан ундирилади ва амалдаги қонунчиликка асосан тақсимлаш учун Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Шартномалар асосида берилган пул маблағлари асосий қарзи ва фоизлари ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, Уюшма Давлат мулки қўмитасига, пахта тозалаш корхоналари эса Уюшмага тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун маблағлар қийматининг 0,4 фоиз миқдорида устама тўлайдилар, лекин бу устама миқдори кечиктирилган тўловлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

26. Ушбу Низомга асосан Давлат мулки қўмитасига қайтарилиши лозим бўлган барча маблағлар, шу жумладан фоизлар, ҳисобланган устамалар ва жарималар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш маблағларининг қисми ҳисобланади.

27. Уюшма ва пахта тозалаш корхоналарини устама ва жарима тўлаши, шартнома бўйича тўланадиган асосий қарз ва фоиз тўлови мажбуриятларидан озод этмайди.

### IV. Яқуний қоидалар

28. Сотиб олувчи ўз зиммасига олган инвестицион мажбуриятларни бажармаслиги ва/ёки шартнома бекор қилинишига олиб келадиган шартномани бошқа шартлари бажарилмаган тақдирда, сотиб олувчи томонидан тўланган маблағларни қайтариш Давлат мулки қўмитаси томонидан қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишилган.

*Иқтисодиёт вазири*

*Б. ХЎЖАЕВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 28 май*

*Марказий банк  
Бошқаруви раиси*

*Ф. МУЛЛАЖОНОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 28 май*

*«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси*

*Ф. ОМОНОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 28 май*

+

-

«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари  
устав фондларига берилган давлат активларини  
сотишдан тушган маблағларни «Ўзпахтасаноат»  
уюшмаси томонидан жамланиши ва ишлатилиши  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Бирлашмалар устав фондларига берилган давлат активларини сотишдан тушган маблағлар ва  
Уюшма томонидан Давлат мулки қўмитасига ўтказилган асосий қарз, фоиз, устама ва  
жарималарнинг тақсими мисоли**

(сўм)

Т/р	Олувчилар	Бирлашмаларнинг устав фондларига киритилган давлат активлари қийматидан ташқари маблағларнинг тақсими		«Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан қайтарилган маблағларнинг тақсими*					
				жами		шу жумладан:			
				сумма	%	асосий қарз	фоизлар	устама	жарима
1.	Молия вазирлиги	-	0%	4 144 587,6	67,01%	3 250 000,0	502 577,3	67 010,3	325 000,0
2.	ҚҚР Вазирлар Кенгаши ва ҳокимиятлар	-	0%	1 594 072,2	25,77%	1 250 000,0	193 299,0	25 773,2	125 000,0
3.	Савдо-саноат палатаси	-	0%	318 814,4	5,15%	250 000,0	38 659,8	5 154,6	25 000,0
4.	Давлат мулки қўмитаси (1%)	50 000,0	1%	-	0%	-	-	-	-
5.	Давлат мулки қўмитаси (2%)	100 000,0	2%	-	0%	-	-	-	-
6.	Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси	-	0%	127 525,8	2,06%	100 000,0	15 463,9	2 061,9	10 000,0
7.	«Ўзпахтасаноат» уюшмаси	4 850 000,0	97%	-	0%	-	-	-	-
	<b>ЖАМИ</b>	<b>5 000 000,0</b>	<b>100%</b>	<b>6 185 000,0</b>	<b>100%</b>	<b>4 850 000,0</b>	<b>750 000,0</b>	<b>100 000,0</b>	<b>485 000,0</b>

\* Шу билан бирга, асосий қарз суммаси, фоизлар ва устамалар маблағлар қайтариладиган вақтдаги амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**229** Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган  
хўжаликларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар  
уруғлигини етиштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-  
лаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
10 июнда 1820-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги ва «Селекция ютуқла-  
ри тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва  
моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулот-  
лари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-  
да»ги ПҚ-842-сонли қарорига асосан **буюраман:**

1. Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил  
этиш ва озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш тартиби тўғрисидаги Низом ило-  
вага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-  
тидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 21 май,  
89-сон

**С. ИСМОИЛОВ**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2008 йил 21 майдаги 89-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган  
хўжаликларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар  
уруғлигини етиштириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида» ва «Се-  
лекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Прези-  
дентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликла-  
рида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачи-  
лик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тад-  
бирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-сон қарорига асосан озуқабоп экинлар уруғчилигига

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар уруғлиги етиштириш тартибини белгилайди.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликлар туман ҳокимлиги қошида ташкил этиладиган махсус комиссия томонидан ўтказилган танлов асосида туман ҳокимининг қарорига мувофиқ ташкил этилади. Комиссиянинг иш фаолияти туман ҳокимининг қарори билан тартибга солинади.

2. Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликлар фермер, тажриба ва бошқа хўжаликлар негизда ташкил этилади.

3. Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларда бир мавсумда икки турдан кўп бўлмаган озуқабоп экин уруғлигини етиштиришга рухсат этилади.

Бир контурда бир турдаги озуқабоп экиннинг иккита нави уруғлигини етиштиришга рухсат этилмайди. Озуқабоп экинларни жойлаштиришда мазкур ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитлари ва навларнинг биологик хусусиятлари инобатга олинади.

4. Туманларда озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш майдони, уруғлик учун экиладиган озуқабоп экинлар уруғлиги навлари ва қутиладиган озуқабоп экинлар уруғлиги ҳажмлари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан тақлиф этилган режага асосан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон қарорига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

5. Озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш ҳуқуқига эга бўлган фермер, тажриба ва бошқа хўжаликлар қайси навдан неча гектар экиши ва қанча ҳажмда уруғлик етиштириши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоят ҳокимининг келгуси йиллар ҳосили учун талаб этиладиган уруғлик тайёрлаш ҳажмлари ва навларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорига асосан белгилаб берилади.

### **II. Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларнинг вазифа ва функциялари**

6. Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларнинг вазифа ва функциялари қуйидагилардан иборат бўлади:

а) асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон қарорининг 3-илоvasида белгиланган экин майдонларини уруғ билан таъминлашда навлар бўйича зарур миқдордаги, стандарт талабларига мос келувчи нав уруғларининг авлодларини ҳисобга олган ҳолда етиштириш;

қўпайтирилаётган навнинг қимматли хўжалик ва технологик хусусиятларини сақлаб қолиш;

юқори сифатли ва нав софлигига эга бўлган биринчи ва кейинги репродукциядаги уруғларни етиштириш;

биринчи ва кейинги репродукциядаги уруғликларни етиштириш ва қайта ишлаш тартиб ва қоидаларига амал қилиш;

нав муаллифлари ва нав оригинаторлари томонидан ишлаб чиқилган илмий



асосланган тавсиялар асосида агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда ва меъёрларда сифатли ўтказилишини таъминлаш;

б) юклатилган вазифаларга асосан қўйидаги функцияларни бажаради:

уруғлик майдонлари юқори унумдор, механизмлар ёрдамида ишлов беришга қулай, сув билан яхши таъминланган, шўрланмаган ва текис далаларда жойлаштириш;

алмашиб экиш ва агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш дастурини тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

биринчи ва кейинги репродукциядаги уруғлик майдонларини ихчам қилиб жойлаштириш, белгиланган тартибда ва мақбул муддатларда оралик ҳимоя масофани сақлаган ҳолда экиш;

фойдаланишга рухсат этилган препаратлар билан зарарсизлантирилган уруғларни экиш;

нав ва тур тозалиги бўйича дала кўриги ва бегона нав турлари ўтоғини ўтказишни ташкиллаштириш.

Белгиланган навларни ўзбошимчалик билан алмаштириш тақиқланади.

### **III. Озуқабоп экинлардан етиштириладиган уруғликлар ҳажмини аниқлаш ва етиштириш**

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда келгуси йил ҳосили учун экиладиган озуқабоп экинлар навларининг уруғликлари ҳажмига бўлган талабни, навларни ҳудудлар бўйича жойлаштирилишини ва ундан олинадиган ҳосилнинг прогноз ҳажмларини аниқлайди.

8. Уруғлик етиштириш мақсадида экилган озуқабоп экинлар майдонларида уларнинг авлодидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғига асосан апробация ўтказилади. Апробация Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, дон маҳсулотлари корхоналари ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг жойлардаги бўлимлари вакиллари билан иборат таркибда тузилган апробация комиссияси томонидан амалга оширилади.

9. Апробация комиссиялари томонидан озуқабоп экин уруғлиги экилган майдонларда ўтказилган апробация натижаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг озуқабоп экинлар уруғларини навлар бўйича харид қилиш тўғрисидаги ҳосил йили бошида қабул қиладиган қарорларига ўрим-йиғим мавсуми бошланишидан камида 15 кун олдин ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

10. Уруғчилик хўжаликларидан харид қилинадиган озуқабоп экинлар уруғлигининг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ—842-сон қарорининг 3-иловасида кўрсатилган экин майдонлари учун талаб этиладиган миқдорда белгиланади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг озуқабоп экинлар уруғларини навлар бўйича харид қилиш тўғрисидаги қарорларига ўзгартириш киритилгандан кейин 10 кун муддатда уруғчилик хўжаликлари билан уруғлик учун белгиланган тартибда шартномалар тузилади.

12. «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси корхоналари озуқабоп экинлар навларининг элита уруғликларини илмий тадқиқот муассасалари ва нав оригина-

торларидан, кейинги репродукциядаги уруғларни эса озуқабоп экинлар уруғчилиги-га ихтисослаштирилган хўжаликларидан шартнома асосида сотиб олади.

13. Озуқабоп экинлар уруғларини етиштириш харажатларини молиялаштириш уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар томонидан тижорат банкларига берилган буюртмалари бўйича кредит ресурслари ҳисобига амалга оширилади.

14. «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар етиштирилган уруғлик материалларни апробация далолатномалари асосида белгиланган хўжаликлардан қабул қиладилар.

15. Етиштириб берилган уруғликлар белгиланган тартибда кондиция даражасига етказилиб сўнгра чорвачиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларига экиш учун сотилади.

16. Элита уруғларининг харид нархлари элита уруғларини етиштиришда қилинган харажатлар калькуляцияси асосида нав-оргинаторлари билан келишилган ҳолда аниқланади.

17. Калькуляцияга уруғшунос ва селекционернинг муаллифлик гонорар харажатлари ҳам қўшиб ҳисобланади.

18. Озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш тизими мазкур Низомда келтирилган иловага мувофиқ амалга оширилади.

19. Шартнома шартлари бажарилмаганда томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

20. Мазкур Низомда белгиланган талабларни бузган ва унга амал қилмаган хўжаликлар уруғчилик тоифасидан чиқарилади.

#### IV. Яқуний қоидалар

21. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

*Ўзбекистон Фермер  
хўжаликлари уюшмаси раиси*

*А. ОРИПОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 16 май*

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик  
компанияси бошқаруви раиси*


*Э. ҚУДРАТОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 16 май*

+

Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

### Озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш тизими



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ BAZIRINING  
БУЙРУҒИ

**230** Ломбардлар томонидан қабул қилинган ва муддатида талаб қилиб олинмаган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни Давлат жамғармасига топшириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
10 июнда 70-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 469-сонли қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ломбардлар томонидан қабул қилинган ва муддатида талаб қилиб олинмаган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни Давлат жамғармасига топшириш тартиби» (1994 йил 13 июнь, рўйхат рақами 70) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 май,  
57-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**231** Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишдан тушган тушумни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 724-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йил 16 октябрдаги 124-сонли буйруғи билан тасдиқланган Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (2000 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 979)нинг 83-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 19 апрелдаги ЭГ/17-13/780-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йил 29 апрелдаги 99-56-сон ва Марказий банкининг 1999 йил 26 апрелдаги 125-сон билан тасдиқланган «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишдан тушган тушумни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус тартиби» (1999 йил 11 май, рўйхат рақами 724 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 9-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 4 июнь,  
58-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 4 июнь,  
2008-27-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 4 июнь,  
13/3-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**232 Тошуйжойжамғармабанк томонидан номи ёзилган уй-жой облигацияларига хизмат кўрсатишда воситачилик ҳақини ундириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 289-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тошуйжойжамғармабанкнинг бошқаруви томонидан 1996 йил 17 июнда 23-сон билан тасдиқланган «Тошуйжойжамғармабанк томонидан номи ёзилган уй-жой облигацияларига хизмат кўрсатишда воситачилик ҳақини ундириш тартиби тўғрисида низом» (1996 йил 11 декабрь, рўйхат рақами 289) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 3 май,  
11/2-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Келишилган:**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 1 май

**Р. АЗИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,  
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**233** «Ўзозиковқаттаъминот» ДАК томонидан импорт бўйича харид қилинадиган ижтимоий муҳим айрим турдаги озик-овқат товарларига чекланган чакана нархларни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 июнда 984-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги «Ижтимоий муҳим озик-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 317-сонли қарори ўз кучини йўқотганлиги муносабати билан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2000 йил 1 ноябрда 119, 12-3/51-313-сон билан тасдиқланган «Ўзозиковқаттаъминот» ДАК томонидан импорт бўйича харид қилинадиган ижтимоий муҳим айрим турдаги озик-овқат товарларига чекланган чакана нархларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор (2000 йил 16 ноябрь, рўйхат рақами 984 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 22-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 27 май,  
54-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Монополиядан чиқариш, рақобат  
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 27 май,  
12-сон

**Б. УЛАШОВ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIA VAZIRINING  
BUYRUGHI**234** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан  
чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
10 июнда 1823-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза қилиш натижаси бўйича 2008 йил 2 июндаги хулосага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2008 йил 28 апрелдаги 33/383-сон ва 2008 йил 16 майдаги 33/464-сон хатларини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 16 ноябрда 537-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги санитария милициясининг ихтисослаштирилган бўлинмалари тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига мазкур ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Хасанов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 10 июнь,  
134-мх-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 235 Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
10 июнда 1108-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 255-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисида»ги низомга мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2002 йил 7 февралда 2002-01-рақам билан тасдиқланган (2002 йил 13 март, рўйхат рақами 1108), «Инвестиция воситачиси тўғрисида»ги низомга иловага\* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
Маркази Бош директори**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 июнь,  
2008-10-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**236** Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали  
радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурил-  
маларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғри-  
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
10 июнда 526-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 6 ва 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Иловага\* мувофиқ, 1998 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 05/20-889-сон билан ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан 01-8/2504-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига (1998 йил 9 ноябрь, рўйхат рақами 526) ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 27 май,  
01-02/8-37-сон

**Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 27 май,  
04-8/1442-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**237** **Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
11 июнда 1626-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 21 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом»га асосан **бюраман:**

1. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низом»га (2006 йил 5 октябрь, рўйхат рақами 1626 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 403-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё  
транспорти агентлиги бошлиғи**

**А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 8 май,  
63-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI AДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУФИ**238** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан  
чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 1824-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза қилиш натижаси бўйича 2008 йил 16 июндаги хулосага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги ФТҚ-03-13/348-сон хатини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 1997 йил 16 июлда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 24 февралда 408-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни устав фондига киритиладиган интеллектуал мулкни баҳолаш бўйича хулоса бериш тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига мазкур ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Хасанов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 18 июнь,  
138-мх-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUGHI**239** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан  
чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 1825-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза қилиш натижаси бўйича 2008 йил 16 июндаги хулосага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги ФТҚ-03-13/348-сон хатини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 1995 йил 18 декабрда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 3 январда 213-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Илмий-техник ишланмаларга ажратилган Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ маблағларини қайтариш тартиби тўғрисида низом» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига мазкур ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Хасанов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 18 июнь,  
139-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 240 Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 1826-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги «Вақт-ли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 418-сон, 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон, 2004 йил 24 ноябрдаги «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 555-сон ҳамда 2006 йил 11 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 214-сон қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатиغا олинганидан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.
3. Мазкур қарор амалга киритилган кундан бошлаб Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан 1998 йил 17 июлда ва Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси томонидан 1998 йил 28 июлда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида даврий нашрларни тарқатиш қоидалари» (1998 йил 28 август, рўйхат рақами 488) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 19 май,  
10-8/1493-сон

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги Бош директори**

**Б. АЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 19 май,  
04-01-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш  
агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигининг  
2008 йил 19 майдаги 10-8/1493,  
04-01-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларини белгилайди.

Ушбу Қоидалар даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги фаолиятини амалга ошираётган барча хўжалик юритувчи субъектларга (таҳририятлар, даврий босма нашрларни тарқатувчилар ва обуначиларга) шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмаларига тааллуқлидир.

Хорижий давлатларнинг даврий босма нашрларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

+

### 1-§. Умумий қоидалар

-

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**даврий босма нашрларни етказиб бериш** — даврий босма нашрларни обуначи кўрсатган манзил бўйича етказиб бериш;

**каталог** — Ўзбекистон Республикасида тарқатиладиган даврий босма нашрлар номларининг белгиланган тартибда тузилган рўйхати;

**обуначи** — даврий босма нашрга обуна бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**тарқатувчи** — таҳририят, шунингдек, таҳририят билан шартномага кўра даврий босма нашрларни обуна бўйича ёки чакана савдо тармоғи орқали тарқатиш хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс.

2. Даврий босма нашрларни тарқатиш уларга обуна бўлишни ташкил қилиш йўли билан, шунингдек, чакана савдо тармоғи орқали амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда даврий босма нашрларнинг электрон шакли ҳам тарқатилиши мумкин.

3. Даврий босма нашрларни тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шунингдек, белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ахборотларни ўз ичига олган даврий босма нашрлар ҳам тарқатиш учун қабул қилинади.

### 2-§. Даврий босма нашрларни обуна бўйича тарқатиш тартиби

5. Обуна бўйича даврий босма нашрлар варақчали ва манзилли тизим бўйича тарқатилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

6. Варақчали тизим бўйича тарқатишда даврий босма нашрлар тарқатувчи томонидан обуначиларнинг манзиллари бўйича кейинги саралаш ва етказиб бериш учун ишлов бериш оралиқ пунктларига юборилади.

7. Манзилли тизим бўйича тарқатишда даврий босма нашрлар тарқатувчи томонидан бевосита обуначилар манзиллари бўйича тарқатилади.

8. Таҳририятлар тарқатувчилар билан улар томонидан босиб чиқариладиган даврий босма нашрларни тарқатиш бўйича шартнома тузадилар. Шартномада даврий босма нашрларни тарқатиш тартиби ва шартлари, босмадан чиқариш жадвали белгиланади, томонлар мажбуриятлари ва низоли масалаларни ҳал қилиш тартиби келишиб олинади.

9. Обуна шартлари (ҳажми, даврий босма нашрнинг формати, босиб чиқариш даврийлиги, обуна даври) таҳририят томонидан белгиланади.

10. Обунани ўтказиш тартиби (обунани қабул қилиш ва даврий босма нашрларга буюртмаларни тақдим этиш муддатлари, обунани қабул қилиш жойлари, тарқатиш ҳудуди, обунани ҳужжатлаштириш) тарқатувчилар томонидан белгиланади.

11. Даврий босма нашрларга обуна ўтказиш шартлари ва тартиби аҳолига маълумот учун таҳририятлар ва тарқатувчилар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали, реклама ва бошқа усуллар ёрдамида етказилади.

12. Обуначи нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан даврий босма нашрларга обуна бўлиши мумкин.

13. Тарқатувчи каталогларни нашр қилади ва уларга киритилган даврий босма нашрларга обуна қабул қилинишини амалга оширади.

Каталогда даврий босма нашрнинг номи ва индекси, телефон рақами, даврий босма нашрнинг нархи, босмадан чиқиш даврийлиги, обуна даври ва бошқа ахборотлар кўрсатилади.

Каталог қоғоз ва электрон кўринишда нашр қилиниши мумкин.

14. Обуначи учун қулай бўлган обунани қабул қилиш жойларида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) тарқатувчининг номи, унинг жойлашган жойи (юримдик манзили, телефон рақами ва бошқалар);

б) иш тартиби;

в) даврий босма нашрлар каталоглари;

г) обунани қабул қилиш пунктларининг иш вақти;

д) обуна бўлиш даври;

е) обунани амалга ошириш тартиби, шартлари ва нархлари;

ж) қўшимча кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг тарифлари;

з) обуна ҳужжатларини тўлдириш намуналари;

и) бошқа зарур маълумотлар.

15. Барча ахборот обуначиларга маълумот учун аниқ ва қулай шаклда етказилиши лозим.

16. Обунани расмийлаштиришда белгиланган намунадаги обуна ҳужжати обуна шартларига мувофиқ тушунарли ва қисқартиришларсиз тўлдирилади.

17. Обуначи томонидан даврий босма нашрларни етказиб бериш манзили нотўғри кўрсатилган бўлса, тарқатувчи жавобгар ҳисобланмайди.

18. Обуна расмийлаштирилганлигининг тасдиғи сифатида обуначига даврий босма нашрнинг номи, обуна даври ва нархи, даврий босма нашр етказиб берилиши керак бўлган манзил, обуначининг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек тарқатувчининг реквизитларидан иборат бўлган обуна ҳужжати берилади.



19. Обуна навбатдаги обуна давридан бошлаб каталогда кўрсатилган обуна муддатига ёки унинг бир қисмига расмийлаштирилиши мумкин.

20. Даврий босма нашрлар обуначи томонидан бошқа манзилга қайта манзилланиши мумкин. Қайта манзиллаш учун обуначи томонидан тарқатувчига обуна расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи обуна ҳужжати тақдим этилади. Бундай ҳужжат йўқолган бўлса обуначининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

Расмийлаштириш тартиби ва қайта манзиллаш муддатлари тарқатувчи томонидан белгиланади.

21. Даврий босма нашрларни нашрдан чиқариш тўхтатилганда ёки обуначининг аризаси бўйича обуна бекор қилиниши мумкин. Бунда обуначига обуна нархи ва қабул қилинган даврий босма нашрлар ўртасидаги фарқи тарқатувчи томонидан бажарилган хизматларни қоплаш харажатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

22. Обуна бекор қилинганда обуна учун тўланган тўлов обуначига тарқатувчи томонидан қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

а) обуначининг обунани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўйича — ариза берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида;

б) даврий босма нашрни босмадан чиқариш тўхтатилганда — таҳририятдан ахборот олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида.

23. Обуначига даврий босма нашрлар етказиб берилмаган бўлса, у ҳолда обуначи томонидан тарқатувчига ариза берилади ва обуна қабул қилинганлиги ёки қайта манзилланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади. Бунда обуначининг аризаси ушбу Қоиданинг 34 ва 35-бандларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

### **3-§. Даврий босма нашрларни чакана савдо орқали тарқатиш**

24. Рўйхатдан ўтказилган даврий босма нашрларни чакана савдо орқали, шу жумладан қўлда сотиш нашрлар таҳририятларининг штатдаги тарқатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

25. Даврий босма нашрларнинг навбатдаги сонлари сотувга келиб тушганлиги тўғрисида харидорларни хабардор қилиш учун даврий босма нашрларнинг янги сонлари кўринадиган жойда ҳамма кўриши учун чиқариб қўйилади.

26. Чакана савдо тармоғидан яширин полиграфик нуқсонлари бўлган даврий босма нашрлар сотиб олинганда, бундай даврий босма нашрлар жойида алмаштирилиши лозим.

Даврий босма нашрларни алмаштириб бериш имкони бўлмаганда харидорга даврий босма нашр учун тўланган тўлов қайтариб берилади.

27. Даврий босма нашрларнинг чакана савдосини амалга оширадиган тарқатувчилар даврий босма нашрларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлишлари шарт.

### **4-§. Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

28. Таҳририят қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда обунани бекор қилиш;
- б) даврий босма нашрларни тайёрлаш ва чиқаришга буюртма қабул қилиш;
- в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

29. Таҳририят қўйидагиларга мажбур:

- а) обуна бошлангунга қадар тарқатувчи ва обуначига даврий босма нашр тўғрисида аниқ ахборотни тақдим этиш;
- б) даврий босма нашрнинг навбатдаги сонини чиқариш кечикканлиги ёки унинг ҳажми ўзгарганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар қилиш, шунингдек бу ҳақда тарқатувчини ҳам хабардор қилиш;
- в) полиграфик нуқсонга эга бўлган даврий босма нашрлар нусхаларини алмаштириш шартлари ва тартибини ўзи ёки тарқатувчи орқали ўз ҳисобидан обуначига маълум қилиши, шунингдек стандарт тўпламлардаги етишмаётган нусхалар ўрнининг тўлдирилишини таъминлаши;
- г) даврий босма нашрларнинг барча сонларини обунанинг бутун даври учун каталогда кўрсатилган даврийликка мувофиқ босиб чиқаришни таъминлаш;
- д) даврий босма нашрларни босмадан чиқаришни тўхтатиш бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида тарқатувчига тўланган тўловларни қайтариш;
- е) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### 5-§. Тарқатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

30. Тарқатувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) таҳририят билан даврий босма нашрларни обуна бўйича ёки чакана савдо орқали тарқатиш учун шартнома тузаётганда тарқатувчининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини талаб қилиш;
- б) обунани қабул қилиш ва даврий босма нашрларнинг чакана савдосини амалга ошириш жойларининг иш тартибини белгилаш;
- в) обуначининг розилиги билан алоҳида тўлов эвазига қўшимча хизматлар кўрсатиш (даврий босма нашрларни сақлаш, обуна бўйича даврий босма нашрларни қайта манзиллаш ва бошқалар).

31. Тарқатувчи қўйидагиларга мажбур:

- а) аҳолини тарқатувчиларнинг савдо нуқталари ва обунани қабул қилиш жойларининг иш тартиби, обуна тартиби ва шартлари, обуна бўйича тарқатиладиган даврий босма нашрларнинг нархлари тўғрисида хабардор қилиш;
- б) даврий босма нашрни белгиланган муддатда обуначига етказиб беришни таъминлаш;
- в) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда обуначига етказиб берилмаган нусхаларнинг обуна нархини қайтариб бериш ёки худди шундай ёхуд бошқа даврий босма нашр нусхасига алмаштириб бериш;
- г) обуначига обунанинг расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи обуна ҳужжатини бериш.

### 6-§. Обуначининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

32. Обуначи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) тарқатувчидан ушбу Қоидаларнинг 14-бандида кўрсатилган маълумотларнинг тақдим этилишини талаб қилиш;
- б) навбатдаги обуна ойдан бошлаб бутун обуна даврига ёки унинг бир қисмига, шунингдек муддатини узган ҳолда даврий босма нашрларга обунани расмийлаштириш;

в) обуначи томонидан имзоланган даврий босма нашрни бошқа манзилга қайта манзиллаш;

г) даврий босма нашрларга обунани бекор қилиш;

д) полиграфик нуқсони бўлган даврий босма нашрларни олганда, даврий босма нашрнинг тегишли сонини олмаганда, шунингдек, таҳририят ёки тарқатувчининг айби билан даврий босма нашрларни етказиб беришнинг муддатларига риоя қилинмаганда, таҳририят ёки тарқатувчига мурожаат қилиш ҳамда ўз хохишига биноан нуқсонсиз даврий босма нашрнинг тегишли нусхасига ёхуд бошқа даврий босма нашрнинг нусхасига алмаштириш, шунингдек, даврий босма нашр ушбу нусхасининг обуна ҳақини қайтаришни талаб қилиш;

е) қўшимча хизматлар учун тўлов тўлашни рад этиш, агар улар тўланган бўлса, унинг розилигисиз кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўланган тўловларнинг қайтарилишини тарқатувчидан талаб қилиш;

ж) даъво билан ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш.

Обуначи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

33. Обуначи обуна ҳужжатларини тўлдириш бўйича тарқатувчи томонидан белгиланган талабларга амал қилиши шарт.

34. Даврий босма нашрларни етказиб бериш муддатларига нисбатан камчиликлар обуначи талаб қилган кундан бошлаб 20 кун давомида (агар шартномада бундан камроқ муддат белгиланмаган бўлса) тарқатувчи томонидан бартараф этилиши керак.

Камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолларда тарқатувчи обуначига қонун ҳужжатларига мувофиқ неустойка (пеня) тўловини тўлайди.

35. Обуначининг полиграфик нуқсонга эга бўлган ёки товар кўринишини йўқотган даврий босма нашрларнинг тарқатилиши бўйича мурожаати етти кун муддатда, агар мурожаат бўйича қўшимча текшириш лозим бўлса, мурожаат берилган вақтдан бошлаб 20 кун муддатда қаноатлантирилиши керак.

Агар даврий босма нашр обуначининг айби билан товар кўринишини йўқотганлиги исбот қилинса, обуначининг талаблари қаноатлантирилмайди.

36. Обуначининг барча мурожаатлари обуначи томонидан обуна қабул қилинганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда кўриб чиқилади. Обуначининг ишончли вакили мурожаат қилганда эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома тақдим этилиши лозим.

### 7-§. Таҳририят ва тарқатувчининг жавобгарлиги

37. Таҳририят ва тарқатувчининг жавобгарлиги улар ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланади.

38. Таҳририят қуйидагилар учун жавобгар:

а) даврий босма нашрнинг навбатдаги сони чиқишининг кечикканлиги;

б) даврий босма нашр тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги;

в) даврий босма нашрларга эълон қилинган обунанинг тугатилганлиги.

Таҳририятлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарликка ҳам эгадирлар.

39. Тарқатувчи қуйидагилар учун жавобгар:

а) обунани қабул қилиш қоидаларини бузганлиги;

б) товар кўринишини йўқотган даврий босма нашрларни сотганлиги (агар обу-

начининг даврий босма нашрни олгунига қадар бундай камчиликлар пайдо бўлганлиги исботланса);

в) полиграфик нуқсонга эга даврий босма нашрларни тарқатганлиги;

г) обуна ҳужжатларидаги обуначилар тўғрисидаги шахсий маълумотларни учинчи шахсга ошкор қилганлиги;

д) даврий босма нашрни етказиб бериш муддатларини бузганлиги;

е) мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини бузганлиги.

40. Даврий босма нашрларни обуна бўйича ва чакана савдо орқали тарқатиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

41. Даврий босма нашр навбатдаги сонининг нашрдан чиқиши кечикканлиги ёки нашрдан чиқмаслиги форс-мажор ҳолатларининг юзага келиши оқибатида содир бўлганлиги исботланса, тахририят жавобгарликдан озод қилинади.

42. Агар даврий босма нашрнинг нусхаси (нусхалари)ни етказиб бериш форс-мажор ҳолатларининг юзага келиши оқибатида ёки обуначининг айби билан бузилганлиги исбот қилинса, тарқатувчилар жавобгарликдан озод қилинадилар.

### 8-§. Яқуний қоида

43. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва «Матбуот тарқатувчи» АК билан келишилган.

—

*Монополиядан чиқариш,  
рақобат ва тадбиркорликни  
қўллаб-қувватлаш давлат  
қўмитаси раиси в.б.*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 12 май*

*«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик компанияси  
Бош директори*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 12 май*

+

*Б. УЛАШОВ*

*С. НАЖБИДДИНОВ*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИРИНИНГ  
БУЙРУФИ**241 Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига  
ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаб-  
лари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 1827-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ–872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 1992 йил, 11-сон, 37-модда) буюраман:

1. Илова қилинаётган Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 25 мартдаги 52-сонли «Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2004 йил 16 апрель, рўйхат рақами 1338 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 183-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь,  
61-сон

Молия вазирининг  
2008 йил 11 июндаги 61-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига  
ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака  
талаблари тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ–872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди.

Мазкур Низом суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарори билан тайинланадиган раҳбарларига татбиқ этилмайди.

## I. Умумий шартлар

1. Мазкур Низом мақсадларида қўлланиладиган асосий тушунчалар:

**суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари** — қонунчилик ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиял ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс;

**суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери** — суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштиришни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс.

2. Суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар (бундан буён матнда номзодлар деб юритилади) мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади).

3. Суғурталовчи (суғурта брокери) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) номзодларнинг мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларни улар суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига тайинланишидан (сайланишидан) аввал тақдим этишга мажбур.

## II. Малака талаблари

4. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари қўйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажи ҳисобга олинмайди).

5. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери қўйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;

б) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.

6. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари (бош бухгалтери) этиб, раҳбар (бош бухгалтер) томонидан амалга оширилган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтгача бир йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари (бош бухгалтери) бўлиб ҳисобланган шахс тайинланиши (сайланиши) мумкин эмас.

### **III. Номзодларнинг малака талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш тартиби**

7. Суғурталовчи (суғурта брокери) Молия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тўлдирилган анкета;

б) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси ёки олий маълумот тўғрисидаги хорижий ҳужжатнинг эквивалентлигини тан олиш тўғрисида ваколатли давлат органи гувоҳномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси (хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган олий маълумот мавжуд бўлган тақдирда);

в) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси. Ўриндошлик бўйича меҳнат стажи мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда меҳнат дафтарчасида қайд қилинган бўлиши лозим.

Кўрсатилган ҳужжатлар бир нусхада тақдим қилинади.

### **IV. Яқунловчи қоидалар**

8. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда, Молия вазирлиги бу ҳақда суғурталовчига (суғурта брокерига) 3 кунлик муддатда ёзма равишда хабар беради.

9. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келмаган тақдирда, Молия вазирлиги бу ҳақда суғурталовчига (суғурта брокерига) мос келмаганлик сабабларини кўрсатган ҳолда 3 кунлик муддатда ёзма равишда хабар беради.

10. Суғурталовчи (суғурта брокери) мазкур Низом талабларини бузган тақдирда, суғурталовчига (суғурта брокерига) қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилади.

11. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Суғурталовчининг (суғурта брокерининг)  
рахбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган  
малака талаблари тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

(суғурталовчининг (суғурта брокерининг) номи)

(лавозимнинг тўлиқ номи)

### лавозимига тавсия этилаётган номзод тўғрисида маълумотлар АНКЕТАСИ

#### Биринчи қисм. Анкетани тўлдириш қоидалари

Анкета номзоднинг ўз қўли билан, тушунарли дастхатда, сиёҳ ёки қора, кўк, бинафша рангли пастанли шарикли ручкада тўлдирилиши лозим. Барча саналар араб рақамларида келтирилиши шарт.

Анкетанинг барча саволларига тўлиқ ва аниқ жавоблар берилиши, ҳамда анкетанинг бирор қисми тўлдирилмасдан қолмаслиги шарт. Ҳатто битта тўлдирилмай қолган қисмининг мавжудлиги, бутун анкетанинг тўлиқ тўлдирилмаганлигини англалади ва у суғурталовчига (суғурта брокерига) қайтарилади. Зарур бўлган тақдирда, тўлиқ маълумот келтириш учун анкетага қўшимча варақлар илова қилиниши мумкин.

#### Иккинчи қисм. Анкета

##### 1. Анкета тўлдирувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар

Код	Саволлар	Жавоблар
1.	Фамилияси	
2.	Исми	
3.	Отасининг исми	
4.	Аввалги фамилияси (агар фамилия ўзгарган бўлса)	
5.	Туғилган йили	
6.	Туғилган жойи	
7.	Паспорт рақами ва серияси, қачон ва ким томонидан берилган	
8.	Уй манзили (паспортда рўйхатга олингани бўйича)	
9.	Уй манзили (яшаш жойи бўйича)	
10.	Телефон рақамлари (уй, иш, уяли алоқа)	

##### 2. Охириги 10 йил мобайнида иш билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар (маълумотлар ҳар бир ташкилот (корхона) бўйича алоҳида келтирилади)

Код	Саволлар	Жавоблар
11.	Ташкилот (корхона) номи	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.



Код	Саволлар	Жавоблар
12.	Ташкилотнинг (корхонанинг) анкета тўлдирувчига маълум бўлган охири манзили	
13.	Лавозим (лавозимлар)	
14.	Иш даври	« ____ » _____ йилдан « ____ » _____ йилгача
15.	Иш билан таъминланганлик тавсифи (керагини белгиланг)	а) меҳнат шартномаси бўйича; б) яқка тартибдаги тадбиркор; в) ишламаган.
«б» ва «в» бандлари бўйича батафсил маълумот келтиринг		

**3. Маълумоти тўғрисидаги маълумотлар  
(фақат олий таълим муассасаларидаги таълим кўрсатилади,  
ҳар бир муассаса бўйича алоҳида)**

Код	Саволлар	Жавоблар
16.	Олий таълим муассасасининг номи	
17.	Ушбу муассасанинг анкета тўлдирувчига маълум бўлган охири манзили	
18.	Таълим шакли (керагини белгиланг)	а) кундузги; б) сиртқи; в) кечки.
19.	Кирган сана	
20.	Ўқишни якунлаган сана	
21.	Олган даражаси	
22.	Олган мутахассислиги	
23.	Таълим муассасасида ўқишни якунлаганлиги тўғрисидаги диплом ёки бошқа ҳужжат серияси ва рақами	Серияси _____ Рақами _____
24.	Агар анкета тўлдирувчи ушбу муассасада ўқишни якунламаган бўлса, сабабини кўрсатинг	

**4. Қўшимча маълумотлар**

Код	Саволлар	Жавоблар
25.	Анкета тўлдирувчи у томонидан амалга оширилган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтгача бир йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари (бош бухгалтер) бўлиб ҳисобланганми (керагини белгиланг).	а) йўқ; б) ҳа.
«б» жавоби белгиланган тақдирда, ташкилот номи ва анкета тўлдирувчининг лавозимини кўрсатинг		

<p>Мен:</p> <p>— ушбу анкетада келтирилган маълумотлар ҳақиқийлиги ва тўлиқлигини; — ушбу анкетани тўлдириши қоидалари билан танишганлигимни тасдиқлайман.</p>
<p>Анкета тўлдирувчининг тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми</p>
<p>Анкета тўлдирувчининг имзоси</p>
<p>Имзо санаси</p>
<p>Анкета тўлдирувчи менинг ҳузуримда анкетанинг ҳар бир варагини ўз қўли билан имзолаганлигини тасдиқлайман.</p>
<p>Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) масъул ходимининг тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми</p>
<p>Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) масъул ходимининг имзоси</p>
<p>Имзо санаси</p>
<p> </p>
<p>М.Ў.</p>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**242 Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 1828-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Илова қилинаётган Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом (янги таҳрирда) тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 21 декабрда 100-сон буйруқ билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом (1999 йил 23 декабрь, рўйхат рақами 859) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 6 май,  
48-сон

Молия вазирининг  
2008 йил 6 майдаги 48-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Бюджет ташкилотлари даромадлари ва  
харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида  
НИЗОМ  
(янги таҳрирда)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлар тўплами., 1999 й., 9-сон, 51-модда) асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ташкилотлар ва муассасаларнинг (бундан кейинги ўринларда бюджет ташкилоти деб юритилади) даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

**I-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом билан бюджет ташкилотларининг қуйидаги даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши тартибга солинади:

бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича;  
тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича;  
таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича;  
бошқа махсус маблағлар бўйича.

2. Юридик шахс мақомини олган бюджет ташкилотлари банкларда (Молия вазирлигининг Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида) белгиланган тартибда қуйидаги ҳисобварақларни (шахсий ҳисобварақларни) очадилар:

а) банкларда:

бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (Ҳазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали хизмат кўрсатилмаётган бюджет ташкилотлари учун);

бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳисобварақлар.

б) Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юретиш Қоидаларида (2007 йил 5 декабрь, рўйхат рақами 1746 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49 сон, 495-модда) кўрсатилган Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида Давлат бюджетининг харажатлар таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича шахсий ҳисобварақлар (республика ва ҳудудий газна ҳисобварақлари орқали хизмат кўрсатилаётган бюджет ташкилотлари учун).

3. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги йил охирига ишлатилмай қолган қолдиқ маблағлари кейинги йилга ўтказилади.

4. Бюджет ташкилотининг негизда янги бюджет ташкилоти ташкил қилинса, у ҳолда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар янги ташкил этилган бюджет ташкилотининг тегишли ҳисобварақларига ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Тугатилган бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадларига ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

## **II-боб. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланишининг бухгалтерия ҳисоби**

### **§ 1. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланиш йўналишлари**

6. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси:

Газна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича — режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларидаги тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

Газна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича — ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисобварақларидаги тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи (маблағларнинг қолган 50 фоизини бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказдилар);

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

7. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари фақат:

биринчи даражада тўланадиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига; ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

8. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг жорий молиявий йил охирига мавжуд қолдиқ маблағлари ўз мақсадли йўналишини йўқотмайди ва келгуси йилда бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига қайта тақсимланмайди.

9. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги пул маблағларининг ҳаракати бўйича операцияларнинг аналитик ҳисоби 381-сонли шаклдаги жамғарма қайдномасида (3-мемориал ордерда) ва (ёки) 292-шакл «Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточка)»да юритилади.

## **§ 2. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига тежалган бюджет маблағлари ўтказилишининг бухгалтерия ҳисоби**

10. Бюджет ташкилотлари ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида тежалган бюджет маблағларини Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига белгиланган тартибда ўтказадилар.

Бунда қуйидаги маблағлар тежаб қолинган деб ҳисобланмайди ва Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилмайди:

ҳисобот чораги охириги ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақини тўлашга молиялаштирилган маблағлар, депонентлаштирилган иш ҳақи ва стипендиялар, маблағ билан тўлиқ таъминланмаганлик (тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлик) ёки бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағида маблағларнинг етишмаслиги сабабли олиб бўлинмаган нафақалар натижасида бўшаб қолган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби»нинг 4-банди билан ўрнатилган ҳисобланган, лекин иккинчи гуруҳ «Иш берувчининг ажратмалари» харажатлари бўйича ўтказилмаган харажатлар натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджет ташкилотининг тармоқлари, штатлари ва контингентига оид режаларнинг бажарилмаганлиги ёки белгиланган муддатларга нисбатан кечроқ бажарилиши, янги муассасаларнинг очилишини ёки мавжудларининг кенгайтирилишини кечроқ амалга оширилиши натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджет ташкилотининг функциясини тўхтатилиши (вақтинчалик тўхтатилиши) натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджет ташкилоти учун тасдиқланган нормативдан ортиқча штат бирликларининг белгиланиши натижасида бўшаб қолган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг қабул қилинган айрим қарорларига мувофиқ бўшаб қолган маблағлар.

11. Ҳазначилик хизматида ўтказилмаган бюджет ташкилотлари бўйича — ре-

жага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларидаги тежаб қолинган маблағлар қолдигини ўтказишда қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

114 «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ дебети;

090 «Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити ёки 100 «Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити.

12. Ҳазначилик хизматиға ўтказилган бюджет ташкилотлари бўйича — ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ҳазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларидаги тежаб қолинган маблағлар қолдигини ўтказишда қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

114 «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ дебети;

237 «Ҳазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларға амалга оширилган тўловлар» субҳисобварақ кредити.

### § 3. Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби

13. Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва сотилиши «Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва сотилиши тартиби»ға (2000 йил 25 январь, рўйхат рақами 880 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2000 й., 2-сон) мувофиқ тартибға солинади.

14. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади:

а) маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ бевосита ва билвосита моддий харажатлар амалга оширилганда:

08 «Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

04 «Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, илмий-тадқиқот ишлари учун материаллар ҳамда ишлаб чиқарилган буюмлар ва маҳсулотлар» ҳисобварақ кредити бўйича;

06 «Материаллар ва озик-овқат маҳсулотлари» ва бошқа ҳисобварақларнинг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

б) келгуси ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндиларнинг қийматиға:

04 «Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, илмий-тадқиқот ишлари учун материаллар ҳамда ишлаб чиқарилган буюмлар ва маҳсулотлар» ҳисобварақ дебети бўйича;

06 «Материаллар ва озик-овқат маҳсулотлари» ва бошқа тегишли ҳисобварақларнинг субҳисобварағи дебети бўйича;

08 «Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар» ҳисобварақнинг тегишли субҳисобварағи кредити бўйича.

в) меҳнат ҳақи бўйича бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилганда:

08 «Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар» ҳисобварақининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

180 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашувлар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича.

г) иш ҳақидан олинган ҳисобланган ажратмалар суммаларига:

08 «Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар» ҳисобварақининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

175 «Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварақининг кредити бўйича.

д) бошқа бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари (ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган коммунал хизматлар харажатлари, алоқа хизмати харажатлари ва бошқа харажатлар) суммаларига:

08 «Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга қилинадиган харажатлар» ҳисобварақининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича.

15. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)нинг таннархига киритилмаган, лекин фойдани ҳисоблашда ҳисобга олиннадиган харажатлар (давр харажатлари) суммасига:

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

160 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити (сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган хизмат сафари харажатлари суммасига) бўйича ёки;

064 «Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари» субҳисобварағи (сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари харажатлари суммасига) ва маҳсулот сотиш ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити.

16. Бюджет ташкилоти билан харидор (буюртмачи) ўртасида тузилган шартномага мувофиқ олдиндан келиб тушган аванс суммасига:

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

155 «Аванс тўловлари бўйича харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

17. Ишлаб чиқарилган маҳсулот унинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилинганда:

045 «Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмлари» субҳисобварағи дебети ёки

046 «Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари» субҳисобварағи дебети бўйича;

08 «Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга қилинадиган харажатлар» ҳисобварақининг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

18. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) шартномада кўрсатилган сотиш қиймати бўйича юқлаб жўнатилганда (топширилганда):

157 «Харидорлар ва буюртмачилар билан етказиб берилган маҳсулотлар (ба-

жарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи дебети бўйича;

28 «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) реализацияси» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

19. Товарларни етказиб бериш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш)да илгари олинган аванс суммасига:

155 «Аванс тўловларига доир харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи дебети бўйича;

157 «Харидорлар ва буюртмачилар билан етказиб берилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

20. Ҳақиқий таннарх бўйича маҳсулотлар юклаб жўнатилганда:

280 «Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмларини реализацияси» субҳисобварағи дебети бўйича ёки

281 «Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализацияси» субҳисобварағи дебети бўйича;

045 «Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмлари» субҳисобварағи кредити ёки

046 «Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари» субҳисобварақлари кредити бўйича.

21. Иш бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда уларнинг ҳақиқий таннархи бўйича:

282 «Шартнома бўйича илмий-тадқиқот ишларини ва бошқа бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматларни реализация қилиш» субҳисобварағи дебети бўйича;

082 «Шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишларига ҳамда бошқа бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга доир харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

22. Харидор (буюртмачи) ва бюджет ташкилоти ўртасида тузилган шартномага мувофиқ қолган қолдиқ сумма келиб тушганда:

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

157 «Харидорлар ва буюртмачилар билан етказиб берилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

23. Келишилган қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар)нинг таннархидан юқори бўлиб, ижобий молиявий натижа (фойда) юзага келганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс этирилади:

28 «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) реализацияси» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

24. Келишилган қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар)нинг таннархидан паст бўлиб, салбий молиявий натижа (зарар) юзага келганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс этирилади:

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварақлари дебети бўйича;

28 «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) реализацияси» ҳисобварақнинг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

25. Харидорлар (буюртмачилар)дан келиб тушган маблағлар доирасида (ушбу



махсулот бўйича юзага келган дебиторлик қарзни ҳисобга олган ҳолда) ҳисобот йили мобайнида аниқланган молиявий натижа (фойда) 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига олинади ва бу ҳисобда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақлари кредити бўйича.

26. Ҳисобот йилининг охирида аниқланган молиявий натижа (зарар) ҳисобига 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағидаги даромадлар суммаси камайирилади ва бу ҳисобда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақлари дебети бўйича;

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварақлари кредити бўйича.

27. Ушбу 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи кредити (дебети) ҳисобига ёзилган суммалар бюджет ташкилотининг яратилган қўшимча даромад (илгари яратилган қўшимча даромадларни камайиши) суммасини билдиради ва бюджет ташкилоти томонидан топшириладиган чораклик Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботида (кейинги ўринларда — 2-РЖ ҳисоботи деб юритилади) даромад (ёки даромадни камайиши) сифатида акс эттирилади.

28. Маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар бажариш) бўйича операцияларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тури бўйича алоҳида ҳолда юритилиши лозим.

**§ 4. Вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ижарага беришдан ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам ҳисобидан келиб тушган тушумларнинг бухгалтерия ҳисоби**

29. Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага бериш «Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа корхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом»га (2000 йил 7 январь, рўйхат рақами 869 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 1-сон; 2001 й., 17-сон) мувофиқ тартибга солинади.

30. Ўзаро тузилган ижара шартномасида белгиланган сумманинг ҳар ойга (чоракка) тўғри келадиган суммаси миқдорига (ҳар ойда ёки чоракда):

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақлар дебети бўйича;

401 «Ҳисобланган, лекин ҳисоб рақамга тушмаган даромадлар» субҳисобварақлар кредити бўйича.

31. Ижара учун маблағ келиб тушганда:

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ дебети бўйича;

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ кредити бўйича.

Бир вақтнинг ўзида тушган маблағнинг 50 фоизи тегишли бюджетга ажратма қилинганда:

401 «Ҳисобланган, лекин ҳисобвараққа тушмаган даромадлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

173 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ кредити бўйича.

Тушган маблағнинг қолган 50 фоизи бюджет ташкилотининг даромадига олинганда:

401 «Ҳисобланган, лекин ҳисоб рақамга тушмаган даромадлар» субҳисобварақ дебети бўйича;

400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақ кредити бўйича.

32. Бюджетга ҳисобланган сумма ўтказиб берилганда:

173 «Бюджет билан ҳисоблашувлар» субҳисобварақ дебети бўйича;

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

33. Бунда, 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақ кредити ҳисобига ёзилган суммалар бюджет ташкилотининг вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага бериш ҳисобига яратган қўшимча даромади суммасини билдиради ва бюджет ташкилоти томонидан топшириладиган чораклик 2-РЖ ҳисоботида тушум сифатида акс эттирилади.

34. Бюджет ташкилотига юридик ва жисмоний шахслар томонидан (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан) берилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ бўйича;

400 «Бюджетдан ташқари даромадлар (тушумлар)» субҳисобварақ кредити бўйича.

35. Мазкур маблағлар бюджет ташкилоти томонидан топшириладиган чораклик 2-РЖ ҳисоботида тушум сифатида акс эттирилади.

#### **§ 5. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфланишининг бухгалтерия ҳисоби**

36. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар биринчи навбатда биринчи даражада тўланадиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган мавжуд кредиторлик қарзлар тўлови харажатларига сарфланади.

37. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш бўйича операциялар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳисобланганда:

215 «Бюджетдан ташқари Жамғармалар ҳисобига харажатлар» субҳисобварақ дебети бўйича;

171 «Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси» субҳисобварақ кредити бўйича.

б) бюджет ташкилоти кассасига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш учун белгиланган тартибда нақд пул маблағлари олинганда:

120 «Касса» субҳисобварақ дебети бўйича;

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

в) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланганда:

171 «Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси» субҳисобварақ дебети бўйича;

120 «Касса» субҳисобварақ кредити бўйича.

38. Харажатларнинг бюджет маблағлари бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар тўланганда:

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ ёки бошқа тегишли субҳисобварақлар дебети бўйича;

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

39. Бюджет ташкилотининг талаб қилиб олингунча депозит (республика ва ҳудудий ғазна) ҳисобварағида (шахсий ҳисобварағида) маблағлар етарли даражада мавжуд бўлмаганда, ушбу харажатлар, кейинчалик бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (шахсий ҳисобварағи)дан тиклаш шарти билан, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ (ёки бошқа тегишли субҳисобварақлар) дебети бўйича;

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

40. Бюджет ташкилотининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағи (шахсий ҳисобварағига) маблағлар келиб тушгандан кейин, илгари Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан ўтказилган суммаларга тенг бўлган маблағлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтарилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ дебети бўйича;

090 «Республика бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича;

100 «Маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича ёки

237 «Ғазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» субҳисобварақ кредити бўйича.

41. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ва бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар бўйича кредиторлик қарзларини тўлашга маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаларининг «тўлов мақсади» сатрида «Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар бўйича кредиторлик қарз тўлови суммаси ўтказилади» ёзувини қайд қилиш лозим.

42. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи маблағлари ҳисобига бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар йил мобайнида 215 «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харажатлар» субҳисобварақ дебетида акс эттирилади.

43. Ҳисобот йилининг охирида 215 «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар» субҳисобварағи дебетида акс эттирилган ҳақиқий харажатлар якуний ўтказмалар билан 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи билан ёпилади.

44. Бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар тасдиқланган бюджет лимити суммасидан ошиб кетган тақдирда, ошиб кетган сумма Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади. Якуний ўтказмаларда 200 «Муассасаларни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет бўйича харажатлар» субҳисобварағи бўйича (Ҳазначилик хизматида ўтказилган ташкилотлар бўйича 206 «Ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар» субҳисобварағи бўйича) лимитдан ошиб кетган ҳақиқий харажатлар суммаси 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига ўтказилади.

45. Агар 215 «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар» субҳисобварағи дебетида ҳисобда турган маблағлар бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар бўйича иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобига 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи кредитида ҳисобда турган маблағлар суммасидан ошиб кетса, ушбу ошган сумма 140 «Муассаса харажатларига доир ҳисоб-китоблар» ёки 230 «Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» (Ҳазначилик хизматида ўтказилган ташкилотлар бўйича 237 «Ҳазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» субҳисобварағи) субҳисобварақларига ўтказилади.

### **III-боб. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланишининг бухгалтерия ҳисоби**

46. Қуйидагилар Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг шаклланиш манбалари ҳисобланади:

тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми;

хомийлик ва донорлик ташкилотларидан ҳамда пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақини тўлаш учун мўлжалланган бюджет маблағларидан тежалган маблағлар;

47. Тиббиёт муассасалари Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва

ривожлантириш жамғармаси маблағлари сарфланишини икки мустақил йўналиш бўйича алоҳида ҳисобини юритадилар:

тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришга;

тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашга.

48. Тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми ҳар бир тиббиёт муассасасини сақланиши учун харажатлар сметасида Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг 01-9-10 «Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга харажатлар» моддасида кўзда тутилади.

49. Ҳазначилик хизматиға ўтказилмаган тиббиёт муассасалари бўйича — тиббиёт муассасаси учун ажратилган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми муассасанинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча ҳисобварағига келиб тушганда:

090 «Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебетланади;

140 «Муассаса харажатларига доир ҳисоб-китоблар» ёки 230 «Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» субҳисобварақлари кредитланади.

50. Тиббиёт муассасаси учун ажратилган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисмини (ҳар ойда), шунингдек меҳнат ҳақи тўловига мўлжалланган бюджет маблағларидан тежалган (чорак бўйича) маблағлар Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилишида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади (ҳар иккала ҳисобвараққа ўтказилган маблағлар учун алоҳида бухгалтерия ўтказмаси берилади):

114 «Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

090 «Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи кредити бўйича ёки

100 «Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи кредити бўйича.

51. Ҳазначилик хизматиға ўтказилган тиббиёт муассасалари бўйича — тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисмини (ҳар ойда), шунингдек меҳнат ҳақи тўловига мўлжалланган бюджет маблағларидан тежалган (чорак бўйича) маблағлар Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилишида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади (ҳар иккала ҳисоб рақамга ўтказилган маблағлар учун алоҳида ўтказма берилади):

114 «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

237 «Ҳазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

52. Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан (жумладан, даволаш-профилактика муассасаларининг пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишидан) тушган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоби ушбу Низомнинг 13 — 26-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

53. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширила-

диган ҳақиқий харажатлар йил мобайнида 215 «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харажатлар» субҳисобварағи дебети бўйича белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

54. Ҳисобот йилининг охирида 215 «Бюджетдан ташқари Жамғармалар ҳисобидан харажатлар» актив субҳисобварағи бўйича ҳисобда турган ҳақиқий харажатлар суммалари якуний ўтказмалар билан 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига ўтказилади.

55. Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар тасдиқланган бюджет лимити суммасидан ошиб кетган тақдирда, ошиб кетган сумма Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади. Якуний ўтказмаларда 200 «Муассасаларни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет бўйича харажатлар» субҳисобварағи бўйича лимитдан ошиб кетган ҳақиқий харажат суммаси (Ҳазначилик хизматига ўтказилган ташкилотлар бўйича 206 «Ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар») актив субҳисобварағи бўйича 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига ўтказилади.

215 «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар» субҳисобварағи дебетида ҳисобда турган маблағлар бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган харажатлар бўйича иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобига 400 «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи кредитида ҳисобда турган маблағлар суммасидан ошиб кетса, ушбу ошган сумма 140 «Муассаса харажатларига доир ҳисоб-китоблар» ёки 230 «Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» субҳисобварақларига (Ҳазначилик хизматига ўтказилган ташкилотлар бўйича 237 «Ҳазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга амалга оширилган тўловлар» субҳисобварағи) ўтказилади.

56. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот (2-ТММРРЖ шаклда белгиланган тартибда акс эттирилади.

#### **IV-боб. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумларни ва амалга оширилган харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби**

57. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

58. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағлар келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

110 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ва топшириққа асосан ишлатиладиган суммаларнинг жорий ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

402 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

59. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳақиқий харажатлар амалга оширилганда:

212 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича;

60. Мазкур харажатлар учун тўловлар амалга оширилганда:

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар дебети бўйича;

110 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ва топшириққа асосан ишлатиладиган суммаларнинг жорий ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

61. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил мобайнида 212 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи дебетиға йиғилиб, ҳисобот йили охирида 402 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субҳисобварағи дебетиға ўтказиш йўли билан ёпилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

402 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

212 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

62. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумларининг аналитик ҳисоби талабаларнинг курслари (босқичлари), факультетлар (деканатлар, ўқиш йўналишлари), гуруҳлар, шунингдек талабалар (фамилияси, исми, отасининг исми) бўйича алоҳида тарзда юритилади.

#### **В-боб. Бошқа махсус маблағларнинг тушумлари ва амалга оширилган харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби**

63. Бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари бўйича бошқа тушумларга қуйидагилар киради:

иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар;

кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

64. Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича махсус ҳисобварағига бошқа махсус маблағлар келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

111 «Бюджет ташкилотининг бошқа бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

240 «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси» субҳисобварағи кредити бўйича.

65. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳақиқий харажатлар амалга оширилганда:

211 «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича.

66. Ушбу харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар бўйича махсус депозит ҳисобварағи ҳисобидан тўланганда:

178 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар дебети бўйича;

111 «Бюджет ташкилотининг бошқа бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи кредити бўйича.

67. Келиб тушган бошқа махсус маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобот йилининг охирида ҳисобдан чиқарилганда:

240 «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси» субҳисобварағи дебити бўйича.

211 «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича;

68. Бошқа тушумлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир тушум тури бўйича алоҳида тарзда юритилади.

#### **VI-боб. Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби**

69. Чет эл валютасидаги операциялар, жумладан кассадаги, банклардаги депозит ҳисобварақлардаги валюта маблағлари, аккредитивлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, тузилган шартномалар бўйича четдан келтирилган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни Божхона юк декларациясини расмийлаштириш санасида кирим қилиш, чет эл валютасида божхона тўловларини амалга ошириш ҳамда чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида улар амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади.

70. Бюджет ташкилотлари баланс моддалари бўйича чет эл валютасини ҳар ҳисобот чорагининг охирги санаси ва операцияларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта баҳолашни амалга оширадilar.

71. Накд пул кўринишидаги чет эл валютасидаги операциялар бюджет ташкилотлари томонидан алоҳида «Касса дафтари» (КО-4 ёки 440-шакл)да юритилади.

72. Чет эл валютасида маҳсулотларни (бажарган иш, кўрсатган хизматларини) сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби 114 «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи ўрнига 118 «Валюта ҳисобварағи» субҳисобварағи қўллаган ҳолда ушбу Низомнинг 13 — 26-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

73. Чет эл валютаси курси қийматининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган сўмга нисбатан ўзгарилиши (пасайиши ёки кўтарилиши)га кўра, чет эл валютасида ифодаланган операциялар, активлар ва мажбуриятларни сўмга нисбатан қайта ҳисоблашда ижобий ёки салбий курс фарқлари юзага келади.

74. Чет эл валютаси курси қийматининг сўмга нисбатан ўзгариши (кўтарилиши)да ижобий курс фарқи юзага келади ва бу ҳисобда 118 ёки ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш бўйича бошқа субҳисобварақлар дебити бўйича ҳамда, амалга оширилган операциялар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, 240, 400, 401, 410-субҳисобварақларнинг кредити бўйича акс эттирилади.

75. Чет эл валютаси курси қийматининг сўмга нисбатан ўзгариши (пасайиши)да салбий курс фарқи юзага келади ва бу ҳисобда ушбу Низомнинг 74-бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмасининг акси билан акс эттирилади.

76. Чет эл валютасидаги маблағларнинг синтетик ҳисоби 381 жамғарма (3 мемориал ордерда) қайдномасида, чет эл валютасидаги операцияларнинг анали-



тик ҳисоби 292 «Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар китоби (карточкаси)» шаклда валютанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида тарзда юритилади.

### **VII-боб. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларнинг бухгалтерия ҳисоби**

77. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарорига мувофиқ кўшимча даромадлар оладиган бюджет ташкилотлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиқларнинг барча турлари ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Молия вазирлиги қошидаги Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловларидан, бўшаб қолган маблағлар бюджет ташкилотларининг моддий техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек ўз ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилган тарзда, озод қилинган.

78. Бюджет ташкилотлари томонидан кўшимча олинган даромадларга солиқлар ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

173 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

79. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сотилган маҳсулот (бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат)лар ҳажмидан ажратмалар ҳисобланишида:

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

198/2 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

80. Бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармаларга (Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва бошқаларга) ажратмалар ҳисобланишида:

410 «Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

199 «Бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармалар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

81. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммалари қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

173 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи дебети бўйича;

198/2 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақлари;

199 «Бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармалар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақлари дебети;

420 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

82. Берилган имтиёзлар суммалари ҳисобига йил мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатлар 218 «Солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёз суммалари ҳисобига харажатлар» субҳисобварағи дебетига йил мобайнида йиғилиб, йилнинг охирида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобдан чиқарилади:

420 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

218 «Солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёз суммалари ҳисобига харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

83. 420 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисоблан-

ган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субҳисобварағи кредитида акс эттирилган суммалар 2-РЖ ҳисоботида даромад сифатида кўрсатилади, шунингдек ҳисобот йилининг охирида қолган қолдиқ миқдори келаси йил учун берилган имтиёзлар суммалари ҳисобига ишлатилиши мумкин бўлган суммани билдиради.

#### **VIII-боб. Ҳисобот ва назорат**

84. Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ягона баланс тузадилар.

85. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилади.

86. Бюджет ташкилотининг раҳбари бюджетдан ташқари маблағларнинг тақсимловчиси ҳисобланади ҳамда мазкур маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун жавобгардир.

87. Бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар тасдиқланган бюджет лимити суммасидан ошиб кетиши учун жавобгарлик бюджет ташкилоти раҳбари ва бош ҳисобчиси зиммаларига юклатилади.

88. Бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

#### **IX-боб. Яқуний қоидалар**

89. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

**Марказий банк**  
**Бошқаруви раиси**

*Тошкент .,  
2008 йил 6 май*

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Давлат солиқ**  
**қўмитаси раиси**

*Тошкент .,  
2008 йил 6 май*

**Б. ПАРПИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**243** «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарига банклар томонидан ажратилган кредитларни қайтариш тўғрисида муваққат тартибни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 702-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-512-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 46-47-сон, 456-модда) асосан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 31 мартда 1-99-сон билан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 апрелда 30-сон билан тасдиқланган ««Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарига банклар томонидан ажратилган кредитларни қайтариш тўғрисида муваққат тартиб» (1999 йил 14 апрель, рўйхат рақами 702) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь,  
13/4-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь,  
62-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Келишилган:**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь

**Б. ПАРПИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**244 Табиий, техникавий ва ижтимоий-гуманитар фанлар  
бўйича қўлёзмаларни депонентлаш тартиби тўғриси-  
даги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 355-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Фан ва техника давлат қўмитасининг 1997 йил 9 июндаги қарори билан тасдиқланган «Табиий, техника ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича қўлёзмаларни депонентлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (1997 йил 15 июль, рўйхат рақами 355) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Фан ва технологияларни  
ривожлантиришни мувофиқлаштириш  
қўмитаси раиси ўринбосари**

**Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь,  
26-сон

**Келишилган:**

*Фанлар академияси Президенти*

**Ш. САЛИХОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссияси  
раиси в.б.*

**К. СУЛТОНОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

*А. ПАРПИЕВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги Бош директори*

*Б. АЛИМОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 11 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**245** Давлат акциялар пакети (улушлари)ни давлат ишонч-  
ли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш  
қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-  
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 1410-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 28 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, хўжалик жамиятларининг ишончли бошқарувга берилаётган давлат активларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қарори билан тасдиқланган Давлат акциялар пакети (улушлари)ни давлат ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига (2004 йил 16 сентябрь, рўйхат рақами 1410 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 416-модда) киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Давлат мулкни бошқариш  
давлат қўмитаси раиси**

**Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 27 май,  
01/12-18/05-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **246** Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 933-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2009 йил 24 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2000 йил 23 апрелдаги 87-сон буйруғи билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқнома»га (2000 йил 9 июнь, рўйхат рақами 933 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 йил, 12-сон) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргандан сўнг уч ой ўтгач кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 май,  
88-сон

Ички ишлар вазирининг  
2008 йил 30 майдаги 88-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий  
ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш тўғрисидаги  
йўриқномага киритиладиган қўшимчалар**

1. 3.3-банд «135-моддасида» деган сўзлардан кейин «135<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
2. 3.4-банд «135-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «135<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
3. 3.5-банд «135-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «135<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
4. 3.7-бандда:  
биринчи хатбошиси «135» рақамидан кейин «135<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин;  
қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:  
«Изоҳ: Кодекснинг 135<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда суғурта идораларининг ҳуқуқбузарлик аломати бартараф этилганлиги ҳақидаги тегишли маълумоти тақдим этилгандан сўнг транспорт воситасини қўйиб юборишга рухсат берилиши мумкин».
5. 3.23-банднинг учинчи хатбошиси «135-моддасида» деган сўзлардан кейин «135<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**247 Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
18 июнда 1829-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 18 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-726-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур Қарор амалга киритилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат қисқа муддатли облигациялари билан РЕПО битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисида муваққат низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 22 августдаги 14/8-сонли қарор (1998 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 502);

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат қисқа муддатли облигациялари билан РЕПО битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисида муваққат низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1999 йил 20 ноябрдаги 21/11-сонли қарор (2000 йил 22 январь, рўйхат рақами 502-1).

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 15 март,  
8/8-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Марказий банк Бошқарувининг  
2008 йил 15 мартдаги 8/8-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли  
қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва  
ижро этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–726-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 454-модда) мувофиқ, давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимлари фақат Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг (кейинги ўринларда матнда ЎзРВБ деб юритилади) Савдо тизими орқали тузилади ва ижро этилади.

2. РЕПО битимлари бўйича томонлар сифатида ўз номи ва ўз ҳисобидан ҳамда инвесторларнинг ҳисоби ва топшириғига кўра молиявий брокер сифатида фаолият

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*



кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлар бозорининг дилерлари (кейинги ўринларда матнда дилерлар деб юритилади) иштирок этишлари мумкин.

3. Мазкур Низом мақсадида қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

**давлат қимматли қоғозлари** (кейинги ўринларда матнда ДҚҚ деб юритилади) — Ўзбекистон Республикасининг давлат қисқа муддатли, давлат ўрта муддатли, давлат узоқ муддатли облигациялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (кейинги ўринларда Марказий банк деб юритилади) юридик шахслар учун чиқарилган облигациялари;

**РЕПО битими** — битим шартлари билан белгиланган муддат ва баҳода айнан шу чиқарилишдаги ва миқдордаги ДҚҚни қайта сотиб олиш (сотиш) (РЕПО битимининг иккинчи қисми) шарти билан сотиш (сотиб олиш) (РЕПО битимининг биринчи қисми) бўйича икки томонлама битим;

**дастлабки сотувчи** — ДҚҚни РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича сотувчи, шунингдек, РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича сотиб олувчи;

**дастлабки сотиб олувчи** — ДҚҚни РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича сотиб олувчи, шунингдек, РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича сотувчи;

**контрагент** — РЕПО битимининг томонларидан бири;

**тизим доирасидаги (автоматик) РЕПО битимлари** — контрагент аниқ кўрсатилмаган РЕПО битимини тузиш бўйича буюртмалар асосида, ЎЗРВБнинг Савдо тизимида амалга ошириладиган савдолар натижасида автоматик тарзда тузилган РЕПО битимлари;

**тизимдан ташқаридаги РЕПО битимлари** — контрагент аниқ кўрсатилган РЕПО битимини тузиш бўйича буюртмалар асосида тузилган РЕПО битимлари;

**амалдаги РЕПО битими** — биринчи қисми ижро этилган, лекин иккинчи қисмининг ижро этиш муддати етиб келмаган РЕПО битими;

**таъминот** — РЕПО битими бўйича олди-сотди предмети бўлган ДҚҚ;

**таъминотни блокировка қилиш** — РЕПО битимини тузишда томонлар ўрнатиши мумкин бўлган, дастлабки сотиб олувчининг РЕПО битими таъминотига оид ҳуқуқларини чегаралаб қўйишни назарда тутувчи РЕПО битимининг шарти;

**таъминоти блокировка қилинган РЕПО битимлари** — таъминотини блокировка қилишни назарда тутувчи РЕПО битимлари;

**тўғридан-тўғри РЕПО битимлари** — тижорат банки битимнинг биринчи қисми бўйича ДҚҚ сотувчиси ва иккинчи қисми бўйича сотиб олувчи, Марказий банк битимнинг биринчи қисми бўйича ДҚҚни сотиб олувчи ва иккинчи қисми бўйича сотувчи бўлган, таъминоти блокировка қилинган РЕПО битимлари;

**таъминот қиймати** — таъминотдаги ДҚҚнинг сонини бир дона ДҚҚнинг, биржа маълумотларига мувофиқ бозор нархидан келиб чиқиб, РЕПО битимининг томонлари келишуви асосида аниқланган нархига кўпайтиришдан ҳосил бўлган катталиқ;

**сотиб олиш қиймати** — РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича дастлабки сотиб олувчи ДҚҚни сотиб олиши учун дастлабки сотувчига тўлаши лозим бўлган пул маблағлари суммаси;

**РЕПО ставкаси** — РЕПО битими тузилаётганда ўрнатиладиган ва РЕПО битими бўйича жалб қилинган пул маблағлари учун белгиланган йиллик фоиз ставкаси;

**РЕПО суммаси** — РЕПО битими бўйича жалб қилинган (берилган) пул маблағларининг жорий сана ҳолатидаги суммасини акс эттирувчи катталиқ;

**РЕПО муддати** — РЕПО битимининг биринчи ва иккинчи қисмларини ижро этиш саналари ўртасидаги календарь кунларида ифодаланган вақт оралиғи.

РЕПО муддати РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилган сананинг эртасидан РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этиладиган кунгача (иккинчи қисм ижро куни инобатга олинади) ҳисобланади.

Биринчи ва иккинчи қисми бир кунда ижро этиладиган РЕПО битимлари учун (кейинги ўринда матнда кунлик РЕПО деб юритилади) РЕПО муддати бир кунга тенг, деб қабул қилинади;

**мажбуриятлар суммаси** — жорий санага РЕПО битими бўйича ҳисобланган фоизлар билан РЕПО суммасининг йиғиндисига тенг бўлган катталиқ;

**дисконт** — РЕПО битими тузилаётганда, битимнинг шарти сифатида томонлар ўртасида ўрнатилиши мумкин бўлган, сотиб олиш қиймати билан таъминот қиймати орасидаги фарқни фоизда ифодаловчи катталиқ;

**қайта сотиб олиш қиймати** — дастлабки сотувчи томонидан дастлабки сотиб олувчига РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича ДҚҚ учун тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммаси;

**РЕПО битими бўйича олинган даромад** — қайта сотиб олиш қиймати билан сотиб олиш қиймати орасидаги фарқ;

**қайтариш суммаси** — РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этиш кунда дастлабки сотувчи томонидан дастлабки сотиб олувчига тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммаси, яъни мажбуриятлар суммаси;

**қолдиқ мажбуриятлар** — РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этилмаслиги ёки мазкур Низомда белгиланган тартибда тўлиқ ижро этилмаслиги натижа-сида вужудга келадиган РЕПО битими томонларининг мажбуриятлари;

**ҳисоб-китобларнинг Т\_0 коди** — РЕПО битими тузиш жараёнида фойдаланиладиган, РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси битим тузилган куни амалга оширилишини билдирувчи белги;

**ҳисоб-китобларнинг Т\_п коди** — РЕПО битими тузиш жараёнида фойдаланиладиган, РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси битим тузилган кундан бошлаб п — иш кунда амалга оширилишини билдирувчи белги;

**Савдо тизими** — РЕПО битими бўйича электрон савдолар амалга ошириладиган, унинг асосида буюртмаларни рўйхатга олиш, қимматли қоғозлар ва пул маблағлари ҳисобини юритиш, битимларни автоматик тарзда тузиш, савдо иштирокчилари томонидан жорий ахборотни бевосита иш ўринларида тезкор кўришларини таъминловчи ЎзРВБнинг автоматлаштирилган электрон тизими.

4. РЕПО битими бўйича олди-сотди қилинаётган ДҚҚга бўлган мулк ҳуқуқи:

РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси натижасида дастлабки сотувчидан дастлабки сотиб олувчига;

РЕПО битимининг иккинчи қисми ижроси натижасида дастлабки сотиб олувчидан дастлабки сотувчига ўтади.

5. РЕПО битимининг таъминотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ДҚҚ киритилиши мумкин:

а) дилерга ёки унинг инвесторига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ва уларнинг бошқа мажбуриятларидан холи бўлган ДҚҚ;

б) сўндириш муддати РЕПО битимининг иккинчи қисмини ижро этиш муддатидан камида 10 календарь куни кейин келадиган ДҚҚ.

Таъминотга турли чиқарилишдаги ДҚҚларни киритиш мумкин эмас.

6. Марказий банк дисконт катталигига чегара ўрнатиши мумкин.

7. Дастлабки сотиб олувчининг дастлабки сотувчидан таъминоти блокировка қилинган РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича сотиб олган ДҚҚнинг ҳисоби, Савдо тизимининг депозитарийси томонидан, дастлабки сотиб олувчининг «депо»

ҳисобварағида очиладиган — «РЕПО битими бўйича блокировка қилинган» бўлимида юритилади.

РЕПО битими таъминотидаги «РЕПО битими бўйича блокировка қилинган» бўлимида ҳисоби юритиладиган ДҚҚ, РЕПО битимида белгиланган шартлардан фарқли шартларда сотилиши, гаровга қўйилиши, бошқа турдаги мажбуриятлар билан юклатилиши ёки эгаси ўзгартирилиши мумкин эмас.

## II. РЕПО суммаси ва унинг ўзгариши

8. РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилганда РЕПО суммаси сотиб олиш қийматига тенг бўлади.

РЕПО муддати давомида таъминот таркибидаги қимматли қоғозлар бўйича дастлабки сотиб олувчи купон (фоиз) даромадини, ДҚҚни чиқарилиш шартларига кўра эмитент томонидан тўланадиган санада, РЕПО суммаси ушбу тўланган купон (фоиз) даромади миқдорига камаяди.

## III. РЕПО битимини тузиш шартлари

9. РЕПО битимини тузиш учун дилерлар Савдо тизимига РЕПО битимни тузиш бўйича буюртмани (кейинги ўринларда буюртма деб юритилади) киритади.

10. РЕПО битимлари уларнинг биринчи қисми ижроси битим тузилган куни амалга ошириладиган шарт билан (кейинги ўринларда матнда ҳисоб-китоблари  $T_0$  кодли РЕПО битимлари деб юритилади) ёки биринчи қисми ижроси битим тузилган кундан бошлаб  $n$  — иш куни амалга ошириладиган шарт билан (кейинги ўринларда матнда ҳисоб-китоблари  $T_n$  кодли РЕПО битимлари деб юритилади) тузилиши мумкин, бу ерда  $n$  — иш кунининг сонини билдирувчи рақам.

11. Тизим доирасидаги РЕПО битимлари фақат биринчи қисми РЕПО битими тузилган вақтда амалга ошириладиган шарт билан тузилади.

Тизим доирасидаги (автоматик) РЕПО битимларини тузишда савдо қатнашчилари томонидан Савдо тизимига рақобатли ва рақобатсиз буюртмалар киритилади.

Дилернинг ўзи томонидан РЕПО ставкаси кўрсатиладиган рақобатли буюртмалардан фарқли равишда, рақобатсиз буюртмалар Савдо тизимига буюртма берилган вақтда автоматик тарзда ҳисобланадиган ўртача тортилган РЕПО ставкаси бўйича киритилади.

12. Буюртмалар РЕПО битимининг қўйидаги мажбурий шартларини ўз ичига олиши лозим:

- а) РЕПО ставкаси;
- б) РЕПО муддати;
- в) буюртма берган дилернинг номи ва таъминотдаги ДҚҚнинг муомаласини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ коди;
- г) буюртманинг йўналиши (ДҚҚни сотиш ёки ДҚҚни сотиб олиш);
- д) РЕПО суммаси (сўмда);
- е) тизимдан ташқаридаги РЕПО битимлари учун ҳисоб-китобларнинг коди ( $T_0$  ёки  $T_n$ , бунда  $n \geq 1$ ) кўрсатилади;
- ж) таъминот таркибидаги ДҚҚнинг чиқарилиш рақами;
- з) таъминот таркибидаги ДҚҚнинг доналарда ифодаланган миқдори;

Тизимдан ташқаридаги РЕПО битимларини тузиш учун дилер ўз буюртмасида, РЕПО битимининг мажбурий шартларига қўшимча равишда, ушбу битимни тузиш бўйича таклифни қабул қилувчи дилернинг номи ва таъминотдаги ДҚҚнинг муома-

ласини тартибга солувчи номатив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ кодини кўрсатиши лозим.

13. Буюртмалар РЕПО битимининг қуйидаги қўшимча шартларини ўз ичига олиши мумкин:

- а) дисконтнинг қиймати;
- б) таъминотни блокировка қилишга кўрсатма.

Буюртманинг стандарт шакли ЎзРВБ томонидан белгиланади.

14. ДҚҚни сотиб олишга берилган буюртма ДҚҚни сотишга берилган буюртмага муқобил ҳисобланади ва аксинча.

15. Савдо тизимида РЕПО битими тузилиши учун мазкур Низомнинг 12-банди «а», «б», «д», «е», «ж», «з» кичик бандларида ва 13-банди «а», «б» кичик бандларида кўрсатилган РЕПО битимларининг шартлари иккита муқобил буюртмаларда мос келиши шарт.

16. Тизимдан ташқаридаги РЕПО битими дастлабки сотувчининг (дастлабки сотиб олувчининг) Савдо тизимида рўйхатдан ўтган буюртмасига жавобан дастлабки сотиб олувчи (дастлабки сотувчи) томонидан тақдим этилган РЕПО буюртмаси Савдо тизимида рўйхатдан ўтган пайтда тузилган ҳисобланади.

17. Тизим доирасидаги РЕПО битимининг Савдо тизимида киритилган буюртмасига мос муқобил буюртмани аниқлаш учун унинг шартлари узлуксиз равишда бошқа буюртмалар шартлари билан солиштириш жарёнидан ўтади. Шартлари бири-бирига мос муқобил буюртмалар мавжуд бўлганда, мазкур буюртмаларни берган дилерларнинг қўшимча розилигини ёки тасдиғини талаб қилмайдиган тизим доирасидаги РЕПО битими тузилади.

18. Тизим доирасидаги РЕПО битимлари фақат таъминоти блокировка қилинган ҳолда тузилади.

19. Тизимдан ташқаридаги РЕПО битимлари таъминоти блокировка қилинган ёки таъминоти блокировка қилинмаган ҳолда тузилиши мумкин. Таъминоти блокировка қилинган РЕПО битими буюртмада тегишли шарт кўрсатилган тақдирдагина тузилади.

20. Савдо тизимининг ҳар бир РЕПО битими бўйича дастлабки сотувчи ва дастлабки сотиб олувчидан оладиган воситачилик ҳақи битим бўйича буюртмалар рўйхатган олинаётган пайтда ундирилади.

21. Ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битимини тузиш учун дастлабки сотиб олувчи ва дастлабки сотувчи буюртманинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда мос равишда ўз пул маблағлари (ЎзРВБнинг воситачилик ҳақини инobatга олган ҳолда) ва қимматли қоғозларини Савдо тизимида РЕПО битимини тузиш учун етарли миқдорда олдиндан захиралашлари шарт.

22. Ҳисоб-китоблари Т<sub>n</sub> кодли РЕПО битимини тузиш учун дилерларнинг Савдо тизимидаги пул позициясида ЎзРВБнинг воситачилик ҳақини тўлаш учун пул маблағлари етарли бўлиши лозим.

23. Ҳисоб-китоблари Т<sub>n</sub> кодли РЕПО битими тузилганлиги тўғрисида ЎзРВБ РЕПО битими томонларига биржа гувоҳномасини тақдим этади.

ЎзРВБнинг биржа гувоҳномаси ҳисоб-китоблари Т<sub>n</sub> кодли РЕПО битими тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Биржа гувоҳномасининг стандарт шакли ЎзРВБ томонидан тасдиқланади.

24. Ҳар бир РЕПО битими тузилган пайтда унга Савдо тизими томонидан такорланмас рўйхат рақами берилади (кейинги ўринларда матнда РЕПО битими рақами деб юритилади).

25. Тизим доирасидаги РЕПО битими бўйича буюртма, у қондирилгунга қадар, уни берган дилер томонидан бекор қилиниши мумкин.

26. Тизимдан ташқаридаги РЕПО битимлари бўйича берилган буюртмани бекор қилиниши уни берган дилер томонидан, ушбу буюртмага жавобан берилган муқобил буюртма Савдо тизимида рўйхатдан ўтгунга қадар, амалга оширилиши мумкин.

27. Ҳисоб-китоблари Т<sub>п</sub> кодли РЕПО битимида дастлабки сотиб олувчининг (дастлабки сотувчининг) РЕПО буюртмаси бекор қилинганда, Савдо тизими дастлабки сотиб олувчи (дастлабки сотувчи)га ЎзРВБнинг воситачилик ҳақини қайтариб беради.

#### **IV. Ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси**

28. Ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битимининг биринчи қисми ижросини амалга ошириш учун қуйидаги етарлилик шартлари бажарилиши лозим:

а) дастлабки сотувчининг Савдо тизимидаги «депо» позициясида РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича ДҚҚнинг етарлилиги;

б) дастлабки сотиб олувчининг Савдо тизимидаги пул позициясида РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича ДҚҚни сотиб олиш ва ЎзРВБнинг воситачилик ҳақини тўлаш учун пул маблағларининг етарлилиги.

Бунда Савдо тизими:

унга киритилган буюртмаларда етарлилик шартларини бажарилишини текширади ва етарлилик шarti бажарилмаган дилернинг буюртмасини рад этади;

дастлабки сотувчи ва дастлабки сотиб олувчининг буюртмаларида мос равишда етарлилик шартлари бажарилган бўлса, ушбу буюртмаларни рўйхатга олади;

дастлабки сотиб олувчининг Савдо тизимидаги пул позициясини РЕПО суммасига ва Савдо тизимининг воситачилик ҳақи миқдорига камайтиради;

Дастлабки сотувчининг «депо» позициясини таъминотга киритилаётган ДҚҚларнинг миқдорига камайтиради.

29. Ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битимини тузиш учун Савдо тизими:

дастлабки сотиб олувчининг «депо» позициясини таъминотга киритилган ДҚҚнинг миқдорига оширади;

Дастлабки сотувчининг пул позициясини РЕПО суммаси билан Савдо тизимининг воситачилик ҳақи орасидаги фарққа оширади.

30. Мазкур Низомнинг 29-бандида кўрсатилган операцияларнинг Савдо тизими томонидан тўлиқ ижро этилиши ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битими тузилганлиги ва унинг биринчи қисми ижро этилганлигини билдиради.

31. Ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битими тузилганлиги ва унинг биринчи қисми ижро этилганлиги тўғрисида ЎзРВБ РЕПО битими томонларига биржа гувоҳномасини тақдим этади.

ЎзРВБнинг биржа гувоҳномаси ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битимининг тузилганлиги ва унинг биринчи қисми ижро этилганлигининг тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

32. Ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битимида дастлабки сотувчининг буюртмаси бекор қилинганда Савдо тизими бекор қилинган буюртмага мувофиқ дастлабки сотувчининг «депо» позициясини РЕПО битимининг биринчи қисмини ижро этиш учун киритилган ДҚҚлар миқдорига оширади.

33. Ҳисоб-китоблари Т<sub>0</sub> кодли РЕПО битимида дастлабки сотиб олувчининг

РЕПО буюртмаси бекор қилинганда Савдо тизими дастлабки сотиб олувчининг пул позициясини ушбу буюртмани тўлиқ қаноатлантириш учун зарур бўлган пул маблағлари суммасига (Савдо тизимининг воситачилик ҳақини тўлаш учун керак бўлган маблағни қўшган ҳолда) оширади.

**V. Ҳисоб китоблари Т\_п кодли РЕПО битимининг  
биринчи қисми ижроси**

34. Ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимининг биринчи қисмини ижро этиш учун дилерлар мос равишда буюртманинг йўналишидан келиб чиқиб ўз пул маблағлари ва ДҚҚни Савдо тизимига РЕПО битимини тузиш учун етарли миқдорда олдиндан захиралашлари шарт.

35. Ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимларининг биринчи қисми ижроси белгиланган кунни дилерлар битимнинг рақами ва санасини, шунингдек битим тузилаётган кунда белгиланган ушбу битимнинг барча мажбурий ва қўшимча шартлари кўрсатилган буюртма-топшириқни Савдо тизимига киритадилар.

36. Ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимининг биринчи қисмини ижро этиш учун қуйидаги мослик ва етарлилик шартлари бажарилиши шарт:

а) буюртма-топшириқ шартларининг тузилган РЕПО битими шартларига мослиги;

б) дастлабки сотиб олувчининг пул позициясида РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси учун пул маблағларининг етарлилиги;

в) дастлабки сотувчининг «депо» позициясида РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси учун ДҚҚнинг етарлилиги.

Бунда Савдо тизими:

мослик ҳамда етарлилик шартлари бажарилмаган дилернинг буюртма-топширигини рад этади;

дастлабки сотувчи ва дастлабки сотиб олувчининг буюртма-топшириқларида мос равишда мослик ҳамда етарлилик шартлари бажарилган бўлса, ушбу буюртма-топшириқларни рўйхатга олади ҳамда:

дастлабки сотиб олувчининг пул позициясини РЕПО суммасига камайтиради;

дастлабки сотувчининг «депо» позициясини РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси учун зарур бўлган ДҚҚ миқдорига камайтиради.

37. Ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимини тузиш учун Савдо тизими:

дастлабки сотиб олувчининг «депо» позициясини таъминотга киритилган ДҚҚнинг миқдорига оширади;

дастлабки сотувчининг пул позициясини РЕПО суммасига оширади.

Ушбу бандда кўрсатилган операцияларнинг тўлиқ амалга оширилиши ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилганлигини билдиради.

38. Ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилганлиги тўғрисида ЎзРВБ РЕПО битими томонларига биржа гувоҳномасини тақдим этади.

ЎзРВБнинг биржа гувоҳномаси РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

39. Ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимининг биринчи қисми ижроси учун рўйхатдан ўтган буюртма-топширигининг бекор қилиниши унга мос муқобил буюртма-топшириқ Савдо тизимида рўйхатдан ўтгунга қадар амалга оширилиши мумкин.

40. Дастлабки сотувчининг буюртма-топшириғи бекор қилинганда, Савдо ти-

зими бекор қилинган буюрма-топшириққа мувофиқ дастлабки сотувчининг «депо» позициясини РЕПО битимининг биринчи қисмини ижро этиш учун киритилган ДҚҚлар миқдорига оширади.

41. Дастлабки сотиб олувчининг РЕПО буюртма-топшириғи бекор қилинганда Савдо тизими дастлабки сотиб олувчининг пул позициясини ушбу буюртмани тўлиқ қаноатлантириш учун зарур бўлган пул маблағлари суммасига (Савдо тизимининг воситачилик ҳақини инобатга олган ҳолда) оширади.

42. Ҳисоб-китоблари Т<sub>n</sub> кодли РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилмагани учун РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этиладиган санада савдолар тугагунга қадар Савдо тизимига буюртма-топшириғини киритмаган томон жавобгар ҳисобланади.

Агар РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этиладиган санада савдолар тугагунга қадар ушбу битим бўйича иккала томон ҳам буюртма-топшириғини Савдо тизимига киритмаган бўлса, ҳисоб-китоблари Т<sub>n</sub> кодли РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилмагани учун иккала томон ҳам жавобгар ҳисобланади.

Савдо тизимида юзага келган техник носозликлар ва бошқа сабабларга кўра ЎзРВБнинг айби билан буюртма-топшириқларнинг рўйхатга олинмаслик ҳолатлари бундан мустасно.

43. Савдо тизими ҳар бир савдо кунининг натижаларига кўра дилерларга, улар томонидан ушбу савдо куни РЕПО битимларининг ижро этилмаган биринчи қисми тўғрисидаги маълумотларни тайёрлайди ва тақдим этади.

44. РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилмагани учун жавобгар деб топилган томонларга нисбатан жарималар қўлланилиши мумкин.

45. Савдо тизимида рўйхатга олинган, лекин бажарилмаган РЕПО битимлари бўйича буюртма-топшириқлар савдолар якунида автоматик тарзда бекор қилинади. Бунда Савдо тизими мазкур Низом шартларига мувофиқ дилерларнинг позицияларига тегишли ўзгартиришлар киритади.

46. Ҳисоб-китоблари Т<sub>n</sub> кодли РЕПО битимининг биринчи қисми қисман бажарилишига ёки РЕПО битимининг биринчи қисмини унинг шартларида белгиланган санадан бошқа санада бажарилишига йўл қўйилмайди.

## VI. РЕПО битимининг шартларига ўзгартиришлар киритиш

47. Амалдаги РЕПО битими шартларига ўзгартириш киритиш дастлабки сотиб олувчи томонидан РЕПО битими таъминотига кирувчи қимматли қоғозлардан купон (фоиз) даромади олинганда ёки томонларнинг келишуви асосида амалга оширилади.

48. Дастлабки сотиб олувчи РЕПО битими таъминотига кирувчи қимматли қоғозлар бўйича купон (фоиз) даромади олганда Савдо тизими ушбу РЕПО битими бўйича РЕПО суммасини, қайтариш суммасини, мажбуриятлар суммасини ва қайта сотиб олиш қийматини автоматик равишда қайта ҳисоблайди ҳамда РЕПО битими шартларига киритилган ўзгартиришларни рўйхатга олади.

49. Амалдаги РЕПО битимини тузган томонларнинг келишуви билан битимнинг қуйидаги шартларига ўзгартириш киритиш мумкин:

- РЕПО муддати;
- РЕПО ставкаси;
- таъминотдаги ДҚҚнинг миқдори;
- қайта сотиб олиш қиймати;
- Дисконт қиймати.

50. Амалдаги РЕПО битими шартларига ўзгартириш киритиш битимни тузган дилерлар томонидан Савдо тизимида РЕПО битими шартларига ўзгартириш киритиш бўйича буюртма-топшириқлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

51. Амалдаги РЕПО битимининг шартларини ушбу РЕПО битимини тузган дилерларнинг ўзгартириш бўйича шартлари бир-бирига мувофиқ буюртма-топшириқлари Савдо тизимида рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб РЕПО битими ўзгартирилган ҳисобланади.

52. Амалдаги РЕПО битими шартларини ўзгартириш бўйича буюртма-топшириқлар, мазкур Низомнинг 49-бандида белгиланган чеклашларни инобатга олган ҳолда, РЕПО битимининг тузилган санаси ва рақами, РЕПО битимининг амалдаги ва киритилаётган шартларини ўз ичига олиши лозим.

53. РЕПО битими шартларини ўзгартириш бўйича Савдо тизимида рўйхатдан ўтган буюртма-топшириқ дилер томонидан муқобил буюртма-топшириқ Савдо тизимида рўйхатдан ўтгунга қадар бекор қилиниши мумкин.

54. Савдо тизими РЕПО битимида ўзгартиришларни рўйхатга олганда:

РЕПО битимининг томонларига ушбу битимга киритилган ўзгартиришлар рўйхатга олинганлиги ва РЕПО битимида ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисида тасдиқнома жўнатади;

РЕПО битими шартларига ўзгартиришлар киритилгунга қадар РЕПО битимининг ижроси билан боғлиқ хабарномалар жўнатилган бўлса, ушбу хабарномаларни бекор қилади;

РЕПО битими шартларига ўзгартиришлар киритилгунга қадар Савдо тизими томонидан рўйхатга олинган, лекин ижро этилмаган РЕПО битимининг иккинчи қисми ижросига доир буюртма-топшириқларни бекор қилади;

РЕПО битими шартларига киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, жорий кун давомида РЕПО битимининг иккинчи қисми ижросига зарурият мавжудлигини текширади ҳамда ушбу текширув натижасига кўра, зарурият туғилганда РЕПО битими бўйича томонларга, мазкур Низомнинг VII-бўлими талабларига жавоб беврувчи хабарномани юборади.

## **VII. РЕПО битимининг иккинчи қисми ижроси**

55. РЕПО битимининг иккинчи қисми ижроси бўйича РЕПО битими томонларининг мажбурияти томонларнинг РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилгандан сўнг юзага келади.

56. Савдо тизими амалдаги РЕПО битимининг иккинчи қисми амалга ошириладиган санадан бир кун олдин ушбу битим томонларига амалдаги РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этилиши тўғрисида хабарнома жўнатади.

57. Савдо тизими кунлик РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилишида РЕПО битими томонлари номидан иштирок этаётган дилерларга РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этилиши тўғрисида хабарнома жўнатади.

58. Амалдаги РЕПО битимининг иккинчи қисми ижроси тўғрисидаги хабарнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

Савдо тизими томонидан бериладиган хабарноманинг рўйхат рақами;

РЕПО битимининг рақами;

РЕПО битими тузилган сана;

РЕПО битимининг иккинчи қисмини ижро этиш санаси;

РЕПО битимини тузган дилерларнинг номи ва таъминотдаги ДҚҚнинг муомаласини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ коди;



тўловнинг йўналиши (ДҚҚни сотиб олиш ва сотиш);  
қайтариш суммаси (сўмда);  
таъминот таркибидаги ДҚҚнинг чиқарилиш рақами;  
таъминот таркибидаги ДҚҚнинг донада ифодаланган миқдори;  
Дилерларнинг пул ва «депо» позицияси.

Хабарноманинг стандарт шакли ЎзРВБнинг ҳужжатлари билан белгиланади.

Амалдаги РЕПО битимининг иккинчи қисми дилерлар томонидан хабарномадаги маълумотларни ўз ичига олган буюртма-топшириқларни Савдо тизимига кириштириш йўли билан ижро этилади.

59. Таъминоти блокировка қилинган РЕПО битими бўйича дастлабки сотиб олувчининг буюртма-топшириғи Савдо тизими томонидан киритилади.

60. Кунлик РЕПО битимининг иккинчи қисми ушбу РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилган савдо куни тугагунга қадар амалга оширилади.

61. РЕПО битимининг иккинчи қисми ижроси носавдо кунига тўғри келса, РЕПО битимининг иккинчи қисми белгиланган санадан кейинги биринчи савдо кунига амалга оширилади. Бунда қайтариш суммаси РЕПО битими шартларида белгиланган унинг иккинчи қисми амалга ошириладиган санадан келиб чиқиб ҳисобланади.

62. Савдо тизими дастлабки сотувчининг РЕПО битимининг иккинчи қисмини ижроси бўйича буюртма-топшириғини олганда, буюртма-топшириқ шартларини РЕПО битими шартларига мослигини ҳамда дастлабки сотувчининг пул позициясида РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижроси учун етарли даражада маблағ борлигини текширади.

Текшириш натижаларига кўра, буюртма-топшириқ шартлари РЕПО битими шартларига мос, шунингдек дастлабки сотувчининг пул позициясида РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижроси учун етарли даражада маблағ бўлган ҳолда, ушбу буюртма-топшириқни рўйхатга олади ва дастлабки сотувчининг пул позициясини қайтариш суммасига камайтиради.

63. Савдо тизими дастлабки сотиб олувчининг РЕПО битимининг иккинчи қисми ижроси бўйича буюртма-топшириғини олганда, буюртма-топшириқ шартларини РЕПО битими шартларига мослигини ҳамда дастлабки сотиб олувчининг «депо» позициясида РЕПО битимининг иккинчи қисмини тўлиқ ижроси учун етарли миқдорда ДҚҚ борлигини текширади.

Текшириш натижаларига кўра, буюртма-топшириқ шартларини РЕПО битими шартларига мос, шунингдек дастлабки сотиб олувчининг «депо» позициясида РЕПО битимининг иккинчи қисмини тўлиқ ижроси учун етарли миқдорда ДҚҚ мавжуд бўлган ҳолда, ушбу буюртма-топшириқни рўйхатга олади ва дастлабки сотиб олувчининг «депо» позициясини РЕПО битими бўйича таъминот таркибидаги ДҚҚ миқдорига камайтиради.

64. Савдо тизими РЕПО битимининг иккинчи қисмини ижро этиш учун, дастлабки сотиб олувчининг пул позициясини қайтариш суммасига, дастлабки сотувчи «депо» позициясини РЕПО битими иккинчи қисмининг тўлиқ ижроси учун зарур бўлган ДҚҚ миқдорига оширади. Ушбу ҳолатда РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этилган ҳисобланади.

65. РЕПО битимининг иккинчи қисми ижроси бўйича Савдо тизими томонидан рўйхатга олинган буюртма-топшириқ уни киритган дилер томонидан ушбу РЕПО битими бўйича иккала буюртма-топшириқ рўйхатга олингунга қадар бекор қилиниши мумкин.

66. РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этилмаганда, РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этиладиган санада савдолар тугаган вақтгача буюртма-топши-

ригини Савдо тизимига киритмаган томон ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Агар РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этиладиган санада савдолар тугаган вақтгача битимдаги иккала томон ҳам буюртма-топшириқларини Савдо тизимига киритмаган бўлса, у ҳолда РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун иккала томон ҳам жавобгар ҳисобланади.

Савдо тизимида юзага келган техник носозликлар ва бошқа сабабларга кўра ЎзРВБнинг айби билан буюртма-топшириқларнинг рўйхатга олинмаслик ҳоллари бундан мустасно.

67. Таъминоти блокировка қилинмаган РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар томонга жарималар қўлланилади.

68. РЕПО битимининг иккинчи қисми бажарилмаган ҳолда, Савдо тизими томонидан рўйхатга олинган РЕПО битими томонларининг буюртма-топшириқлари савдо тугаш вақтида бекор қилинади. Бунда Савдо тизими РЕПО битими томонларининг пул ва «депо» позицияларига бекор қилинган буюртма-топшириқларга мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритади.

69. РЕПО битимининг иккинчи қисмини қисман бажарилишига, шунингдек РЕПО битими шартда белгиланган санадан бошқа санада РЕПО битимининг иккинчи қисмини ижро этилишига йўл қўйилмайди, мазкур Низомда келтирилган ҳолатлар бундан мустасно.

### **VIII. Таъминоти блокировка қилинган РЕПО битимларида РЕПО битимининг иккинчи қисмини мажбурий тартибда ижро этилиши**

70. Таъминоти блокировка қилинган РЕПО битимининг иккинчи қисми ушбу битим шартларида белгиланган санада ижро этилмаса, Савдо тизими РЕПО битими бўйича таъминотдаги ДҚҚларни дастлабки сотувчининг дастлабки сотиб олувчи олдидаги мажбуриятларини бажариш учун сотади.

71. Таъминотнинг сотилиши тегишли РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этиш санасидан кейинги савдо кунидан бошлаб Савдо тизими томонидан ўтказиладиган кунлик аукционлар шаклида амалга оширилади.

ДҚҚнинг аукциондаги сотилиш нархи Дастлабки сотувчи томонидан белгиланади.

72. ЎзРВБ ДҚҚ бозори дилерларига аукционни ўтказиш, аукционда сотиладиган ДҚҚнинг таркиби, сотишдан қутилаётган тушум ҳажми ва аукционда сотишнинг минимал нархи тўғрисидаги маълумотларни аукцион ўтказиладиган санадан аввалги савдо куни маълум қилади.

73. Аукцион натижалари бўйича қайта ҳисобланган РЕПО битимининг қайтариш суммаси нолга тенг бўлмай, таъминот эса тўла ҳажмда сотилмай қолган тақдирда навбатдаги аукцион ўтказилиши эълон қилинади.

74. Савдо тизими тегишли РЕПО битими бўйича ҳисоб-китобларни яқунлаш учун таъминотдаги қимматли қоғозларни етарли ҳажмда сотади.

75. Дастлабки сотувчининг дастлабки сотиб олувчи олдидаги мажбурияти сўндирилгандан сўнг таъминот таркибидаги сотилмай қолган ДҚҚ ва таъминот таркибидаги ДҚҚни сотишдан тушган тушумнинг қолдиғи дастлабки сотувчига қайтарилади.

76. Савдо тизими РЕПО битими бўйича ҳисоб-китоблар яқунлангандан сўнг РЕПО битими бўйича ҳисоб-китоблар якунига етганлиги тўғрисида дилерларга хабарнома жўнатади.

77. Савдо тизимининг РЕПО битими бўйича ҳисоб-китоблар якунига етганлиги тўғрисидаги хабарномаси томонларнинг РЕПО битими бўйича ўз мажбуриятларини ижро этганликлари далили ҳисобланади.

78. Таъминотни сотиш даврида таъминот таркибидаги қимматли қоғозлар сўндирилган бўлса, ва/ёки улар бўйича купон тўлови бўлган бўлса, РЕПО битими бўйича ҳисоб-китобларни якунлаш мақсадида, сўндириш ва/ёки купон тўловидан тушган маблағлар таъминотни сотишдан тушган тушум сифатида қабул қилинади.

79. Таъминотни тўлиқ ҳажмда сотишдан тушган пул маблағлари РЕПО битими бўйича ҳисоб-китобларни якунлаш учун етарли бўлмаса, Савдо тизими РЕПО битимининг томонлари ҳисобланган дилерларга дастлабки сотувчининг дастлабки сотиб олувчи олдидаги бажарилмаган мажбурияти тўғрисида хабарнома юборади.

80. Савдо тизимининг бажарилмаган мажбурияти миқдори тўғрисидаги хабарномаси дастлабки сотиб олувчининг дастлабки сотувчи олдидаги мажбуриятининг ижроси тўғрисидаги, шунингдек РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича дастлабки сотиб олувчининг дастлабки сотувчига бўлган талабларини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Қолдиқ мажбуриятлар ижро этилмагунга қадар РЕПО битими ижро этилмаган ҳисобланади.

#### **IX. Марказий банк томонидан давлат қимматли қоғозлари билан тўғридан-тўғри РЕПО битимларини амалга ошириш тартиби**

81. Марказий банк тижорат банклари билан (кейинги ўринларда банклар деб юритилади) уларнинг ликвидлигини тартибга солиш мақсадида тўғридан-тўғри РЕПО битимларини амалга оширади.

82. Марказий банк томонидан тўғридан-тўғри РЕПО битимлари мазкур Низомга ҳамда банк билан тузиладиган тўғридан-тўғри РЕПО битими бўйича Келишувга (кейинги ўринларда Келишув деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

Келишувни тузиш учун банк Марказий банкка келишув тузиш тўғрисида ариза ва банк бошқаруви раиси ёки тегишли ваколат берилган банк бошқаруви раисининг ўринбосари томонидан имзоланган Келишувнинг икки нусхасини тақдим этади.

83. Марказий банк ва банклар ўртасида тўғридан-тўғри РЕПО битимлари 14 календарь кунгача бўлган муддатга тузилади ва муддати узайтирилмайди.

84. Тўғридан-тўғри РЕПО битимлари Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган умумий лимит доирасида амалга оширилади.

85. Буюртма бериш вақтида қуйидаги талабларга жавоб берадиган банк Марказий банк билан тўғридан-тўғри РЕПО битимини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

а) давлат қимматли қоғозлар бозори дилери мақомига эга бўлган банк;

б) Марказий банк билан тўғридан-тўғри РЕПО битими бўйича Келишувни тузган банк;

в) Марказий банкнинг мажбурий захира талабларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ижро этаётган банк;

г) Марказий банк томонидан берилган кредитлар ва уларга доир фоиз тўловлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаган банк;

д) сўнги 3 ой давомида РЕПО битимларининг иккинчи қисмини ўз вақтида ижро этган банк.

86. Марказий банк банкларга тўғридан-тўғри РЕПО битими шартлари аниқ кўрсатилган хабарномани ЎзРВБ орқали етказди.

87. Банклар савдо куни соат 9:30 дан 11:30 гача тўғридан-тўғри РЕПО битимларини тузиш бўйича буюртмаларни Савдо тизимига киритадилар.

РЕПО буюртмаси мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган РЕПО битимининг барча мажбурий шартларини ўз ичига олиши лозим.

Банклар соат 11:30 дан кейин Савдо тизимида рўйхатдан ўтган буюртмасини қайтариб олиши мумкин эмас.

88. Банк буюртмада, РЕПО битимининг иккинчи қисмини ижро этиш санаси Келишувнинг амал қилиш муддатидан ўтиб кетмайдиган РЕПО муддатини кўрсатиши лозим.

89. Савдо тизими йиғилган буюртмалар асосида буюртмаларнинг жамланма реестрини шакллантиради. Жамланма реестр Савдо тизими вакили томонидан имзоланади ва Марказий банк вакили орқали буюртмаларни қабул қилиш яқунланганлиги ҳақидаги хабарнома билан соат 13:00 гача Марказий банкка тақдим этилади.

Жамланма реестрнинг стандарт шакли Марказий банк билан келишилган ҳолда ЎзРВБ томонидан ўрнатилади.

90. Марказий банк соат 15:30 гача тўғридан-тўғри РЕПО битимининг белгиланган лимити доирасида битимнинг минимал ставкасини белгилайди ва ЎзРВБга белгиланган минимал ставкага тенг ва ундан юқори ставкалар кўрсатилган буюртмаларни қондирилиши учун топшириқ беради.

Бунда, берилган вақтидан қатъи назар, РЕПО ставкаси пастроқ бўлган буюртмага нисбатан РЕПО ставкаси юқорироқ буюртма олдин қондирилади.

РЕПО битими бўйича РЕПО ставкаси бир хил бўлган буюртмалар ҳажми тўғридан-тўғри РЕПО битими бўйича ўрнатилган лимитдан юқори бўлса, буюртмалар ушбу лимит доирасида, берилган вақтига мувофиқ, навбатма-навбат тартибида қондирилади.

91. Савдо тизими соат 16:00 гача Марказий банк томонидан қондирилмаган буюртмаларни бекор қилади ҳамда барча иштирокчи банкларга тўғридан-тўғри РЕПО битими бўйича савдо натижаларини маълум қилади.

92. Тўғридан-тўғри РЕПО битими бўйича буюртмаси қондирилган банклар Савдо тизими вакилидан битим натижалари бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини соат 17:00 гача олади. Марказий банк вакили Савдо тизими вакилидан тўлиқ ёки қисман қондирилган буюртмаларни икки нусхада олади.

93. Банк ва Марказий банк РЕПО битимининг биринчи қисми тузилган вақтдан бошлаб, ўз зиммаларига РЕПО битимининг иккинчи қисмини ижро этиш мажбуриятларини олади.

94. РЕПО битими ўтказилган савдо кунидан кейин келадиган биринчи иш куни банк вакиллари тегишли ишончномаларни кўрсатганларидан сўнг, Марказий банкнинг маъсул ходими томонидан имзоланган, савдоларда тўлиқ ёки қисман қондирилган буюртмаларнинг бир нусхасини олади.

95. Банк РЕПО битимининг иккинчи қисмини муддатидан аввал ижро этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолда банк Марказий банкка буюртма беради.

96. Битимнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятлар банк томонидан бажарилмаган ёки нотўғри бажарилган ҳолда, Марказий банк битимнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқига эга. Бунда ДҚҚ Марказий банк тасарруфида, пул маблағлари эса банкда қолади. Бундай ҳолларда Марказий банк зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

97. Марказий банк, битимнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларни банк томонидан бажарилмаган ёки нотўғри бажарилганидан сўнг, битимнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган ДҚҚни иккиламчи бозорда сотиши мумкин.

**Х. Яқуний қоидалар**

98. РЕПО битими бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган дилерга нисбатан жарима санкциялари қўлланилади. Жарима санкциялари қўлланилиши дилерларнинг ўз мажбуриятларини бажариш бўйича жавобгарлигини бекор қилмайди.

99. Дилерлар РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро муддати унинг Марказий банк билан дилерлик функциясини бажариш бўйича тузган шартномаси амал қилиш муддатидан ўтадиган РЕПО битимларини туза олмайди.

100. Дилерлар амалдаги РЕПО битимининг шартларига РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро муддати унинг Марказий банк билан дилерлик функциясини бажариш бўйича тузган шартномасининг амал қилиш муддатидан ўтадиган ҳолда ўзгартиришларни киритиши мумкин эмас.

101. Марказий банк билан дилерлик функцияларини бажариш бўйича шартнома бекор қилинганда:

ушбу тўғрисида Савдо тизими Марказий банкдан тегишли хабарнома олган кундан кейин ўтказиладиган биринчи савдо куни амалдаги РЕПО битимларининг иккинчи қисми бажарилиши шарт ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблари Т\_п кодли РЕПО битимлари, агар ушбу РЕПО битимининг биринчи қисми ижро этилмаган бўлса, бекор қилинади.

102. РЕПО битимини тузиш ва ижро этиш ҳамда РЕПО битими бўйича қолдиқ мажбуриятларни тартибга солиш билан боғлиқ низолар белгиланган тартибда ҳал қилинади.

103. Марказий банк дилерларга ва Савдо тизимига РЕПО битимини тузиш ва ижро этиш билан боғлиқ қўшимча киритилган шартлар ва чеклашларни, уларнинг амал қилинишидан 7 кун аввал жўнатади.

104. Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий банк РЕПО битими қатнашчилари рўйхатига чеклашлар киритиши ҳамда айрим дилерларни РЕПО битими тузишда иштирок этишини тўхтатиб қўйиши мумкин.

105. Тузилган РЕПО битимларининг биринчи ва иккинчи қисми ижро натижа-сида пул маблағлари ва ДҚҚга оид вужудга келган дилерларнинг мажбуриятлари ДҚҚни олди-сотди операциялари бўйича савдо иштирокчиларининг яқуний нетто-мажбуриятлари ҳисоб-китобига киритилади.

106. РЕПО битими томонларининг келишувига мувофиқ таъминотга киритилган ДҚҚнинг бозор нархи ўзгариши муносабати билан РЕПО битимининг томонла-ри ДҚҚ билан ёки пул шаклида олдиндан тўловни амалга ошириши мумкин.

107. Савдо тизими томонидан дилерларга РЕПО битими тузилганлиги, ижро этилганлиги, РЕПО битими шартларига ўзгартиришлар киритилганлиги, РЕПО би-тими бўйича яқуний ҳисоб-китоблар тугатилганлиги, таъминоти блокировка қилин-ган РЕПО битимлари бўйича қолдиқ мажбуриятларнинг бажарилиши (бажарилмас-лиги) тўғрисида бериладиган тегишли ҳисобот ҳужжатлари уларнинг бажарилган-лигининг тасдиғи ҳисобланади.

108. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан кели-шилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 16 май*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий**  
**ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2008 йил 7 июндан 20 июнгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари устав фондларига берилган давлат активларини сотишдан тушган маблағларни «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан жамланиши ва ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 28 майдаги 55, 01/11-18/06-сонли қарори.*

*2008 йил 10 июнда 1819-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).*

2. «Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2008 йил 21 майдаги 89-сонли буйруғи.*

*2008 йил 10 июнда 1820-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).*

3. «Ломбардлар томонидан қабул қилинган ва муддатида талаб қилиб олинмаган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни Давлат жамғармасига топшириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 57-сонли буйруғи.*

*2008 йил 10 июнда 70-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).*

4. «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишдан тушган тушумни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 4 июндаги 58, 2008-27, 13/3-сонли қарори.*

*2008 йил 10 июнда 724-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).*

5. «Тошуйжойжамғармабанк томонидан номи ёзилган уй-жой облигацияларига хизмат кўрсатишда воситачилик ҳақини ундириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/2-сонли қарори.*

*2008 йил 10 июнда 289-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).*

6. «Ўзозиковқаттаъминот» ДАК томонидан импорт бўйича харид қилинадиган

ижтимоий муҳим айрим турдаги озик-овқат товарларига чекланган чакана нархларни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги 54, 12-сонли қарори.*

**2008 йил 10 июнда 984-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).**

7. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 134-мҳ-сонли буйруғи.*

**2008 йил 10 июнда 1823-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).**

8. «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 2 июндаги 2008-10-сонли буйруғи.*

**2008 йил 10 июнда 1108-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 27 майдаги 01-02/8-37, 04-8/1442-сонли қарори.*

**2008 йил 10 июнда 526-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 июндан кучга киради).**

10. «Йўловчилар ва юқларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юқларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2008 йил 8 майдаги 63-сонли буйруғи.*

**2008 йил 11 июнда 1626-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 21 июндан кучга киради).**

11. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 138-мҳ-сонли буйруғи.*

**2008 йил 18 июнда 1824-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

12. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 139-мҳ-сонли буйруғи.*

**2008 йил 18 июнда 1825-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

13. «Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қондала-

рини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2008 йил 19 майдаги 10-8/1493, 04-01-сонли қарори.*

**2008 йил 18 июнда 1826-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

14. «Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 11 июндаги 61-сонли буйруғи.*

**2008 йил 18 июнда 1827-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

15. «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 6 майдаги 48-сонли буйруғи.*

**2008 йил 18 июнда 1828-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

16. «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарига банклар томонидан ажратилган кредитларни қайтариш тўғрисида муваққат тартибни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2008 йил 11 июндаги 13/4, 62-сонли қарори.*

**2008 йил 18 июнда 702-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

17. «Табиий, техникавий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича қўлёзмаларни депонентлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2008 йил 11 июндаги 26-сонли буйруғи.*

**2008 йил 18 июнда 355-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

18. «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги 01/12-18/05-сонли қарори.*

**2008 йил 18 июнда 1410-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 июндан кучга киради).**

19. «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2008 йил 30 майдаги 88-сонли буйруғи.*

**2008 йил 18 июнда 933-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2009 йил 24 январдан кучга киради).**

20. «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 15 мартдаги 8/8-сонли қарори.*



2008 йил 18 июнда 1829-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 18 июлдан кучга киради).

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ломбардлар томонидан қабул қилинган ва муддатида талаб қилиб олинмаган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни Давлат жамғармасига топшириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 70, 1994 йил 13 июнь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 128-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишдан тушган тушумни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 724, 1999 йил 11 май).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 129-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Тошуйжойжамғармабанк томонидан номи ёзилган уй-жой облигацияларига хизмат кўрсатишда воситачилик ҳақини ундириш тартиби тўғрисида низом. *Тошуйжойжамғармабанк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 289, 1996 йил 11 декабрь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 130-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. «Ўзозиковқаттаъминот» ДАК томонидан импорт бўйича харид қилинадиган ижтимоий муҳим айрим турдаги озиқ-овқат товарларига чекланган чакана нархларини белгилаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 984, 2000 йил 16 ноябрь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 131-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги санитария милициясининг ихтисослаштирилган бўлинмалари тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 537, 1998 йил 16 ноябрь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 10 июндаги 134-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

6. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни устав фондига киритиладиган интеллектуал мулкни баҳолаш бўйича хулоса бериш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 408, 1998 йил 24 февраль).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 138-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

7. Илмий-техник ишланмаларга ажратилган Ўзбекистон Республикаси ФТДК

маблағларини қайтариш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 213, 1996 йил 3 январь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 139-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

8. Ўзбекистон Республикасида даврий нашрларни тарқатиш қоидалари. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 488, 1998 йил 28 август).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 140-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

9. Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1338, 2004 йил 16 апрель).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 141-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

10. Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 859, 1999 йил 23 декабрь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 142-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

11. «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарига банклар томонидан ажратилган кредитларни қайтариш тўғрисида муваққат тартиб. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 702, 1999 йил 14 апрель).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 143-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

12. Табиий, техникавий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича қўлэмаларни депонентлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 355, 1997 йил 15 июль).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 144-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат қисқа муддатли облигациялари билан РЕПО битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисида муваққат низом ва 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 502, 1998 йил 16 октябрь), (рўйхат рақами 502-1, 2000 йил 22 январь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 18 июндаги 147-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

**LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаши;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

**WWW.LEX.UZ**

сайтига марҳамат қилинг

-

+